Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 12 IYUN ◆ SESHANBA ◆ № 67 (26.769)

Яқиндагина Минскда МДҲ, кейин эса Ялтада ГУУАМ давлатлари раҳбарлари саммитларида иштирок этиб, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид талай халқаро масалаларни ҳал этиб қайтган Президент Ислом Каримов 9 июнь куни Қашқадарё вилоятига сафар қилди.

ЭЛИНИ РОЗИ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

Мазкур сафардан кузатилган мақсадни Президентимизнинг ўзи шундай таърифлади: аввало, қишлоқ хўжалик юмушлари ўта қизғин паллага кирган бугунги кунда меҳнаткашлардан ҳол-аҳвол сўраш, ғалла ўримйиғими ва ғўза парваришига оид ишлар билан жойида танишиш, одамларнинг кайфиятидан бевосита бохабар бўлиш.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қамаши туманидаги «Чем» жамоа-ширкат хўжалигида бўлди. Бу ерда у ижарачи Абдимурод Бозоровнинг буғдойзорида деҳқонлар билан суҳбат қурди. Суҳбатда А.Бозоров ўтган йили ўз даласига «Улуғбек-600» навини экканини, лекин бу нав Қамашининг шароитига унчалик мос келмаганини айтди. Шунинг учун бу йил «Уманка» нави уруғлик учун экилиб, синаб кўрилмоқда. Натижа ёмон эмас. Сув нисбатан камроқлигига қарамай, омилкорлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини бермоқда — ҳар гектар майдондан 52 центнергача ҳосил олиняпти.

Юртбошимиз суҳбат чоғида эътиборни чекилаётган харажатларни камайтириб, фойда миқдорини ошириш масалаларига қаратди. Бугунги деҳқон фақат меҳнат қилишни эмас, қайси йўл билан кўпроқ фойда олиш мумкинлигини ҳам билиши энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир, деди Президент. Бундай пухта ҳисоб-китобни йўлга қўймай туриб, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш қийин.

Икки йилдан буён давом этаётган сув танқислиги халқимиз учун ўзига хос синов бўлди, деди Юртбошимиз. Ана шундай мураккаб шароитда

қашқадарёликларнинг ғалла тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажариши халқимизнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда улкан ҳисса бўларди. Айни чоғда, раҳбарлар вилоятда ишни янгича ташкил этиш масаласини янада жиддийроқ ўйлаб кўриши керак. Мисол учун, деди Юртбошимиз, Андижон вилояти деҳқонлари ҳисоб-китобни аввалдан пухта қилади, яъники, камроқ харажат чекиб, кўпроқ фойда олиш режасини тузади ва шунга эришади ҳам. Меҳнатинг самара бераётганини кўриш киши руҳини кўтаради, янгиликларни жорий қилишга илҳомлантиради. Руҳ баланд бўлса, ҳар қандай тоғни талқон қилиш мумкин, аксинча эса барча режалар ўлдажўлда қолиб кетади.

Юртбошимиз деҳқонларнинг руҳини кўтаришда иқтисодий манфаатдорликнинг ўрни алоҳида эканини таъкидлади. Бунинг учун давлатга топширилган ҳосил учун кечиктирмай ҳақ тўлаш зарур. Бугун бир сўмни тежайман, деб эртага миллионлардан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Қаердаки моддий манфаатдорлик эътиборда бўлса, ўша ердаги ишда самара ва сифат ҳам баланд бўлади.

Деҳқонлар билан суҳбат давомида Юртбошимиз Қашқадарё заминига мос ғалла уруғчилигини йўлга қўйиш муҳимлигига эътиборни қаратди. Қачонгача ҳар йили янги навни синаб кўриш мумкин, деб масалани кўндаланг қўйди Президент. Нега вилоятда ҳалигача истиқболли навлар заҳираси яратилиб, кенг миқёсда экиш ташкил этилмаган? Уруғнинг тўғри танлангани, агротехниканинг пухта ишлаб чиқилгани туфайли Андижонда гектарига 80 центнергача ҳосил олинаётгани бор гапку! Ҳолбуки, Қашқадарёдаги айрим суғориладиган майдонлардан олинган ҳосил ҳам, кўпинча, 30 центнердан ошмаяпти. Бу ҳол қачонгача давом этади?

Президент бу муаммони тезроқ ҳал этиш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Қамаши туманидаги «Чем», Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев жамоа-ширкат хўжаликларидаги пахта далаларида ҳам бўлди. Қийғос гуллаб, кўсак туга бошлаган ғўзаларни кўздан кечирди.

Бугун пахтадан фақат юқори ҳосил олиш омилкорликка кирмайди, деди Юртбошимиз. Бу борадаги сарф-харажатларга, толанинг жаҳон бозоридаги харидоргирлигига ҳам эътибор қилиш зарур.

Президентимиз яқинда сувдан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишлаб республика семинари ўтказилган хўжаликда сув ўлчагич мосламаларини кўздан кечирди. Бу тажрибани бутун мамлакат бўйича ёйиш зарурлигини айтди. Лекин, деди Юртбошимиз, масаланинг яна бир жиҳатини ўйлаб кўриш керак. Ҳозир Қамашида тақчиллик туфайли сув деҳқонларга маъмурий йўл билан ўлчаб берилмоқда. Аммо шундай қилиш керакки, токи, деҳқон сувдан тежаб-тергаб фойдаланса, бундан ўзига иқтисодий наф етишини тушуниб олсин. Шунга ҳаракат қилсин. Айни чоғда, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга имкон берадиган янги технологияларни жорий этишни тезлаштириш, бунда хориж тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

Энг муҳим масала моддий манфаатдорликни оширишдан иборат. Одамлар ишласа ва меҳнатига яраша ҳақ олса, уларнинг тепасида туриб кўрсатма беришга ҳожат қолмайди. Қанча кўп ишласам, ҳаётим шунча яхшироқ, фаровонроқ бўлади, деган фикр одамларнинг онгига мустаҳкам ўрнашиши, қўлини ишга бошқариши керак. Нарсаларнинг, дейлик машинанинг нархини арзонлаштириш билан фаровонликни таъминлаш қийин. Лекин фуқаролар даромадини ошириш орқали фаровонликка эришиш тўғри йўлдир. Барча орзуларимга фақат ҳалол меҳнатим орқали етаман, деган туйғу кишилар дилида устувор бўлса, энг катта бахт шудир. Аксинча, олган пулим қилган меҳнатимга арзимайди, деган фикр туғилишига йўл қўйилса, халқни улуғ ишларга руҳлантириб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

МУСТАҚИЛЛИК - ИСТАГАНИМ, ЮРАГИМДАН ИЗЛАГАНИМ

Мажид ҲАСАНИЙ, филолог олим:

Мустақиллик осонликча қўлга киритилди, деганлар хато қилади. У қанчаданқанча юрт фидойилари, зиёли кишиларнинг чеккан заҳматлари, курашлари эвазига бўлди. Қанча одам кўзидаги ёш билан кутиб олди уни. Шулар қаторида мен ҳам.

1985 йил «Ўрта Осиё босиб олинган» деган илмий мақола ёздим, лекин матбуотда эълон қилинмади. Таъбим хира бўлиб кетаётган эдим, олдимдан журналист дўстим чиқиб қолди. Дилимдагиларни тўкдим. Мақолани ўқиди. «Биласизми, домла, келинг яхшиси, бу мақолани суҳбат тарзида берамиз, негаки, бу ҳолда чиқариш қийин», деди.

Мақола ҳозирги «Тонг юлдузи» газетасининг 1989 йил 5 сентябрь сонида чиқди. Кейин тўс-тўполон бўлди. «Правда» газетаси мени уриб чиқди. Айрим газеталар кўчириб босди. Уларнинг фикрича, мен ёшларнинг юрагини заҳарлаётган эканман. Одил Ёқубов бир қанча зиёлилар билан биргаликда мени ҳимоя қилиб Горбачевга, «Правда»нинг бош муҳарририга хат юборди. Кейин давлат тўнтаришига уриниш бўлди. Менга қўнғироқ қилиб, ҳамма материалларимни ёндириб юборишимни сўрашди. «Путча нима, Беговотнинг шамолидай ўтиб кетади», дедим.

Худога минг қатла шукр, бари қийинчиликлар ортда қолди. Энг улуғ неъмат — мустақиллигимизга 10 йил бўляпти. Баъзилар нолиб қолишади, яшаш қийин дея. Бу гаплар асоссиз. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», деб бежиз айтишмаган. Ўз кучингга таяниб, меҳнат қилсанг, ҳамма нарсага эришиш мумкин, боқимандалик кайфиятидан қутилиш керак.

Мустақиллик боис менинг «Тарих ошкоралик нигоҳида», «Ватан юрагидаги сувайдо», «Туркистон босқини», «Юрт бўйнидаги қилич ёки истило», «Ойдин кунлар армони» каби китоб ва рисолаларим чоп этилди.

Энди эса истиқлолимизнинг 10 йиллигига бағишлаб «Икки ўт орасида» номли қисса ва публицистик мақолалар мажмуасидан ташкил топган китоб ёздим. Шу кунларда яна бир янги асар ёзиш билан машғулман.

Мустақиллик — истаганим, юрагимдан излаганим. У худди қуёш каби жамики инсонларга тўғри йўл кўрсатади. Эндиги вазифамиз уни асраш. Асрий тарихга эга бўлган ўзбек халқи жаҳонга юз тутди. Мен юртимнинг порлоқ келажагига ишонаман.

МАКТАБГА БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ КЕЛДИ

Андижон вилоятида кўплаб янги коллеж ва мактаб бинолари қурилмоқда. Шу кунларда Жалақудуқ туманининг Алимайдон қишлоғида 350 ўринли мактаб-интернат, Қўрғонтепа туманида мактаб бинолари фойдаланишга топширилди. Уқув масканларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова қатнашди. Бош вазир ўринбосари мактабга эсдалик сифатида рангли телевизор совға қилди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИ БУЮК, КЕЛАЖАГИ ҲАМ БУЮК БЎЛАЖАК»

Баден-Вюртемберг федерал ўлкасининг Фрайбург шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Франкфурт Майндаги Бош консулхонаси ҳамда Фрайбург шаҳри ҳокимияти билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон кунлари» иштирокчиларининг фикри ана шундай бўлди.

Фрайбург шаҳри ҳокимиятининг таклифи билан ушбу тадбирда Олий Мажлиснинг оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиянинг раиси Ш. Салимова бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Делегациямиз таркибида ёшлар ўртасида ҳунармандчиликни ривожлантириш «Садбарг» маркази, Самарқанддаги «Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи», Низомий номидаги университетнинг чет тиллари факультети, Тошкент шаҳар рассомчилик студияси вакиллари, Жаҳон тиллари давлат университети талабалари ҳамда «Дуторчи қизлар» ансамбли ҳам бор эди.

Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида юртимизга бағишланган симпозиум бўлиб ўтиб, унда Фрайбург университети профессори Йорг Штадельбауэр, Трир университети профессори Клаус Пандер, Байройт университети профессори Алоис Вийрлахер, Ўзбекистон делегацияси раҳбари Шарифа Салимова ва бошқалар маъруза қилдилар.

Симпозиум иштирокчилари Марказий Осиё давлатлари бўйича йирик мутахассис, профессор Клаус Пандернинг чиқишини катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Олим йиғилганларга ўзбек халқининг тараққиёти, унинг маданияти ва давлатчилиги ҳақида гапириб берди. Ўзбек халқининг буюк аждодлари бўлмиш Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Улуғбек, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорий ва кўпгина бошқа сиймолар жаҳон халқлари илм-фани ва маданиятининг бошида туриб, инсоният цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаларини таъкидлаб ўтди. К. Пандер Ўрта Осиёда қудратли марказлашган давлат барпо этган соҳибқирон Амир Темурнинг ўрнига ҳам алоҳида тўхталиб, ўз маърузасини «Ўзбекистоннинг тарихи буюк, келажаги ҳам буюк бўлади», деб якунлади.

Ўзбекистон кунлари доирасида Фрайбург шаҳрининг табиатшунослик ва этнография музейида «Ўзбекистонда аёллар маданияти: Марказий Осиё тарихий анъаналари европалик аёл нигоҳида» мавзуида Габриэлла Келлернинг фотокўргазмаси бўлиб ўтди.

Дунё халқлари эртаклари тадқиқотчиси, Европа эртакчилари жамияти аъзоси Г. Келлер 1998—1999 йиллар мобайнида Ўзбекистонда бўлган эди. Олима ўз чиқишида ўзбек оилаларининг урф-одатлари ва анъаналари, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида гапирди. Яқин кунларда у республикамиз шаҳар ва қишлоқларидан тўплаган эртаклари ўзбек ва немис тадқиқотчиларининг ҳамкорликдаги меҳнатлари ҳосиласи сифатида «Самарқанд эртаклари» китоби босмадан чиқишини маълум қилди.

Фрайбург шаҳри табиатшунослик ва этнография музейи мудираси Е. Герхардс ушбу фотокўргазманинг аҳамиятига эътибор қаратиб, «Германиянинг бошқа шаҳарлари сингари Фрайбургда ҳам Ўзбекистонга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Албатта, бугунги фотокўргазма халқларимизнинг яқинлашувига, Ўзбекистон ва Германия ўртасида жаъми соҳаларда ҳамкорликнинг ривожланишига имкон беради», — деб таъкидлади.

■ ***Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,***
«Жаҳон» АА
Германия.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚОЧАЁТГАН БОР-У, ҚУВАЁТГАНЛАР ҚАНИ?»

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги газетанинг шу йил 22 май сонидаги «Қочаётган бор-у, қуваётганлар қани? Ёки шахсий йўловчи транспортидаги бир муаммо хусусида» сарлавҳали мақола билан синчиклаб танишиб чиқди ва қуйидагиларни маълум қилади:

Ҳақиқатан ҳам, мақолада кўтарилган муаммо бугунги кунда жуда муҳим. Лицензиялаш тўғрисида қонун ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби мавжуд бўлишига қарамай, ҳозирча бу фаолиятни махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан ва солиқ органлари рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бу гап хусусий автомобиль транспорти эгаларининг йўловчилар ва юкларни ташиш фаолиятига тегишлидир.

Хусусан, фақат шу йилнинг январь-апрель ойлари давомида Агентлик ҳудудий бўлимларининг ходимлари Ўзбекистон Республикаси ДСҚ ва ИИВ ДАНБб билан биргаликда йўлларда хусусий автоташувчиларнинг лицензиялаш тўғрисида қонун ҳамда лицензия талаблари ва шартларига амал қилишини текшириш бўйича 369 та рейд ўтказдилар, бунда 1180 та қоида бузиш ҳолатлари аниқланди, шу жумладан, 794 та автотранспорт фаолиятини лицензиясиз амалга ошириш ҳолати тўғрисидаги материаллар Солиқ кодексига мувофиқ чора кўриш учун солиқ органларига берилди. Мана шу даврда Самарқанд вилоятида хусусий автомобиль транспорти эгалари йўловчиларни ташишни лицензиясиз амалга ошираётган 53 та ҳолат аниқланган.

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаати Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Қонуни билан ишончли равишда ҳимояланган. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳар бир фуқароси тегишли қонунларга риоя қилиши керак, қонунларда тадбиркорлик фаолиятини лицензиясиз амалга оширишга етарли даражада жазо чоралари кўзда тутилган (Маъмурий кодекс 176-модда, Жиноят кодекси 190-модда ва Солиқ кодекси 135-модда).

Мамлакатимизда қонунларни ҳурматловчи ҳар бир тадбиркор бу соҳанинг белгиланган қоидаларига амал қилиши, яъни ўз вақтида махсус рухсатнома (лицензия) олиши, солиқ органларида рўйхатдан ўтиши ва солиқ тўлаши лозим. Бироқ, юқорида келтирилган рақамлардан маълум бўлишича, автотранспорт хизмати бозорида бепарволик билан хўжалик юритувчи субъектлар — хусусий авто ташувчилар оз эмас.

Лицензия берганлик учун давлат пошлинаси миқдори юқори эканлигига келганда, Агентлик шуни қайд этадики, бу миқдорлар ҳукумат қарорида белгиланган ва хўжалик юритувчи субъектлар буни бажариши зарур.

Агентликнинг барча ҳудудий бўлимларида, шу жумладан, Самарқанд бўлимида лицензия олган ва солиқ органлари ҳисобига ўтган шахсларнинг сони тўғрисида маҳаллий солиқ органлари билан ахборот алмашиш йўлга қўйилган. Шунинг учун лицензия олган, лекин солиқ органлари ҳисобига ўтмаган 159 шахсга улар таъсирли чоралар кўриши лозим.

Ҳозирги вақтда Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда норматив ҳужжат ишлаб чиқиш бўйича иш олиб бормоқда, бу эса Ўзбекистон Республикаси «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» қонунига амал қилишни текширишни таъминлаш ва ушбу қонунни бузган ташувчиларнинг жавобгарлик даражасини белгилаш имконини беради.

Бундай норматив ҳужжатни яратиш хўжалик юритувчи субъектларни лицензиялаш шартларининг сифат даражасини оширади, уларни лицензия олишдан қочишга мажбур қилувчи сабабларини бартараф этади. Албатта, лицензиялаш қамрови даражасини анча ошириш лозим, бунинг учун Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари солиқ органлари ҳамда бевосита таъсир этиш чораларини кўра олувчи ДАН органлари билан бирга ишлашлари лозим.

■ **Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи Абдурашид ТАГИРОВ**

УСМОНОВЛАР ГУЗАРИ

Чортоқдаги «Чакалак» гузарини наинки шу юрт одамлари, балки туманга меҳмон бўлган кўплар яхши эслашади. Ярим асрдан ортиқ фойдаланилган бу маскан 70-йилларда бузилиб, бир қисмига ошхона солинди-ю, бир қисми ташландиқлигича қолди.

Кўплар қатори Жўрахон Усмонов ҳам «Чакалак»ни армон билан эсларди. Мустақиллик туфайли қўлидан иш келадиганлар рўшнолик топди-ю, Жўрахон ака армонлари эзгу ниятга айланди. Ўтган йилларда у укаларини ёнига олиб бу жойда ўзига хос гузар барпо этди. Замонавий меъморчилик услубида қурилган уч қаватли иншоот кўрганнинг кўзини оладиган бежирим чиқди. Тадбиркор ака-ука Усмоновлар 6,5 миллион сўм маблағ сарфлаб, гузарни ишга солдилар.

Ошхона, маросимлар зали ҳозирнинг ўзида бир йўла 200 мижозга хизмат кўрсатаяпти. Тез орада бу ерда савдо дўкони ва дорихона ишга тушади, музқаймоқ сотила бошланади.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАРМОҚ КЕНГАЙМОҚДА

Республика акциядорлик-тижорат «Савдогарбанк»нинг Навоий вилоят бўлими тармоқ жиҳатидан яна биттага кўпайди. Хатирчи туманидаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалигида банк филиали — кичик банк иш бошлади. У 115 та ташкилот ва корхонага тўлов тушум хизмати кўрсатади. Ташкилот ҳамда корхоналарнинг асосий қисми ўрта ва кичик бизнес субъектларидир. Шунингдек, вилоят «Савдогарбанк»и Навбаҳор туманидаги Қалқонота қўрғонида ҳам яна бир тармоқ банки очишни мўлжаллаяпти.

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

BU DUNYONING ISHLARI

ЖУРНАЛИСТЛАР ОҒИР ЯРАЛАНДИ

Грознийдаги «Северний Кавказ» газетасининг икки журналисти оғир яраланган ҳолда касалхонага келтирилди.

Аниқланишича, журналистлар душанба куни эрталаб, шаҳарнинг «Ғалаба» майдонидаги вайрон бўлган уйлардан бирига киришган. (Улардан бири урушгача шу уйда истиқомат қилар экан). Шу пайтда террорчилар томонидан ўрнатилган яширин мина портлайди. Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, шу куни милиция ходимлари кетаётган «УАЗ» русумли машина ҳам террорчилар томонидан ўққа тутилган.

МАКТАБДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Осако шаҳрининг бошланғич мактабларидан бирида рўй берган хунрезлик японияликлар қалбида жаҳолатга қарши ғалаён уйғотгани бежиз эмас.



Эрталабки танаффусда ҳеч нарсадан бехабар ўқувчиларга узунлиги 15 сантиметр келадиган, ўткир тиғли пичоқ билан қуролланган киши ҳужум қилиб, дуч келган болаларни шафқатсизларча сўйишни бошлади. Натижада 8 ўқувчи ва бир ўқитувчи шу жойнинг ўзида ҳаётдан кўз юмди. 20 дан ортиқ болалар ҳар хил ҳолатда жароҳатланди. Ҳалок бўлганлар 6-7 ёшлар орасида. Яраланганлар шу ердаги касалхонага ётқизилди.

Полициячиларнинг аниқлашича, жиноятчи 37 ёшли Мамор Такума бўлиб, жароҳати туфайли касалхонада тутқунда сақланмоқда. Такума жиноят содир этишдан олдин кўп миқдорда тинчлантирувчи ҳапдори қабул қилган экан.

ҚАБОҲАТ БОТҚОҒИДА

Шанба куни кечқурун Москвадаги Киев вокзалидан унча узоқ бўлмаган Киев кўчасида 26 ёшли украиналик аёл оғир жиноят билан қўлга олинди.

Орган ходимлари аёлни 6 ойлик чақалоқни лўли аёлга 5 минг АҚШ долларига пуллаётган пайтда ушлашди. Гўдак (ўғил бола) жиноятчининг ўз фарзандими ёки аёл «болалар савдоси»ни касб қилиб олганми ҳали аниқлангани йўқ.

ЭЛИНИ РОЗИ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дунёда жуда оддий бир ҳақиқат бор: берсанг — қайтади, бермасанг — нима қайтади? Одамларимиз меҳнатининг роҳатини кўрсин. Шунда улар янада яхшироқ меҳнат қилади. Бу йилги қурғоқчилик эса бир синов. Бундай қийинчилик олдида руҳни тушириш бизга ярашмайди.

Шундан кейин Юртбошимиз Қамаши туман Амин Умарий номидаги ўрта мактаб ҳамда педагогика-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам бўлди. Бу илм масканларининг замонавий биноларини кўздан кечирди.

Коллежларнинг таълим йўналишлари ҳақида гапирар экан, мамлакатимиз раҳбари йигит-қизларга кўпроқ турдаги касб ўргатиш масаласини кўндаланг қўйди. Шундай чиройли бинолар қуриб, уларга замонавий жиҳозлар ўрнатиб, бор-йўғи беш-олтита касбга ўқитиш, узоқни кўра билмасликдир, деб таъкидлади. Дунё давлатлари бугун кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратмоқда, аксар аҳолиси ҳам шу йўл билан фаровонликка эришмоқда. Лекин турли-туман касб эгалари тайёрламасдан туриб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириб бўлмайди.

Давлатимизнинг сиёсати ҳам шунга қаратилган. Ёшларни кўпроқ касбга ўргатолсак, шундагина ишсизликка чора топамиз, шундагина янада фаровонликка эришамиз. Сизлар, деди давлатимиз раҳбари коллеж раҳбарларига, бу йўлда жуда хайрли иш бошлабсизлар. Фақат бир тилагим — уни охирига етказинг.

Президент Ислом Каримовнинг коллеждаги бошланғич таълим муассасаларига тарбиячилар тайёрлаш гуруҳи ўқувчи қизлари билан учрашуви жуда самимий ўтди. Бу учрашувнинг талабалар ёдида умрбод сақланиб қолиши тайин. Буни лингафон билан жиҳозланган кенг ва ёруғ кабинетда сабоқ олаётган қизларнинг гулгун чеҳраси айтиб турарди.

Сизларнинг ҳаммангиз асл инсонлар бўлиб етишингизга ишонгим келади, деди Юртбошимиз. Мен ўз ҳаётий тажрибамдан хулоса қилиб айтаманки, ўтган умрингдан рози бўлишдан ортиқ бахт йўқ экан бу дунёда. Биз, ўзбеклар мен кўрганларни болаларим кўрмасин, деймиз. Албатта, бу ерда ота-оналар ўзлари кўрган қийинчиликларни назарда тутади. Мен Сизларга қийинчиликларни кўрманглар, демайман. Кўринглар, фақат бу қийинчиликлар касб ўрганиш, чин инсон бўлиш йўлидаги ёруғ ва хайрли қийинчиликлар бўлсин. Менинг энг буюк орзуим — сиздай йигит-қизларимизнинг ривожланган давлатлардаги тенгқурларидан ҳам фаровонроқ, тўкисроқ яшашига эришиш. Шу мақсадга эришсам, мен ўзимни жуда бахтиёр деб биламан, ўз ҳаётимдан рози бўламан.

Мамлакат Президентининг ғамхўрлик билан оталарча айтган бундай самимий дил сўзларини эшитган ўқувчилар ҳам эркалик қилишдан ўзларини тийиб туролмадилар. Уларнинг ҳар бири ўз дафтарида давлатимиз раҳбарининг ўз қўли билан битилган дил сўзлари бўлишини хоҳлади. Президентимиз ҳам қизларнинг дафтарларига эзгу тилакларини ёзди. Талабалар билан эсдалик учун суратга тушди.

Сафар ниҳоясида мамлакатимиз раҳбари Қаршида туманлар ҳокимлари, вилоят идораларининг раҳбарлари билан суҳбатлашди. Уларнинг амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги қисқача ҳисоботларини тинглади.

Президент ўз сўзида вилоятдаги мавжуд муаммоларнинг асосий сабабларидан бири моддий манфаатдорликнинг яхши йўлга қўйилмаганида, деди. Деҳқон топширган ҳосили учун ўз вақтида ҳақини олиши лозим. Жойлардаги раҳбарлар, аввало, ҳокимлар халқнинг кўзига тик қарай олиши учун ҳам деҳқоннинг қонуний ҳаққи ўз вақтида тўланиши шарт. Афсуски, бу борада вилоятда ҳали-ҳамон узилишлар мавжуд.

Бундай муаммоларни ҳал этиш сизларнинг биринчи галдаги вазифангиздир, деб таъкидлади Президент йиғилганларга қарата. Шундагина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасидаги давлат буюртмалари бажарилишини таъминлаш мумкин.

Бугун қишлоқ хўжалигидаги вазиятнинг таҳлили учта масалага алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда, деди мамлакатимиз раҳбари. Биринчиси — сафарбарлик. Комбайнларнинг бир соат ҳам тўхтаб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Далада ишлаётганларга уч маҳал иссиқ овқат ташкил этиш, илғорларни доимий равишда рағбатлантириб бориш керак.

Иккинчиси — уюшқоқлик. Ҳосилни йиғиб олиш конвейерида, дала-омбор тизимида бирон узилиш бўлишига йўл қўймаслик лозим. Галлани ташийдиган транспорт воситалари ҳамда омборларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш шарт.

Учинчиси — тежамкорлик. Етиштирилган ҳосилнинг бирор мисқоли ҳам нобуд бўлмасин. Айниқса, ўғирликка барҳам бериш лозим. Деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган ва бутун элнинг ризқи бўлган ғалла нопок кимсаларнинг шахсий омборига кириб кетмасин.

Ҳокимлар жиддий ўйлаб кўрадиган яна бир гап сув тақчиллигидан зарар кўрган деҳқонларимизнинг йўқотилган даромади ўрнини қоплаш масаласидир, деб алоҳида қайд этди Юртбошимиз. Янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни ва ишсизларни касб-ҳунарга ўргатиш уларнинг доимий диққат марказида туриши лозим. Фақат ғалла, фақат пахта ҳисобидан бутун халқни бойитиш қийин. Кичик ва ўрта бизнес ривожлансагина фаровонликка эришилади. Шунинг учун бу борадаги ёрдамни аямаслик зарур.

Қашқадарёдаги учрашувлар қизғин ва самимий мулоқотларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари воҳа аҳлининг бу йил ғалла ва пахта тайёрлаш борасидаги давлат буюртмаларини ўз вақтида бажариш йўлида самарали меҳнат қилаётганидан мамнуният изҳор этди.

■ **Мусулмон НАМОЗ,**
ЎзА мухбири

***

Дилшод ЮСУПОВ
(ЎзА) олган сурат

ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси Бўритош Шодиева 148-Узун туман сайлов округи сайловчилари билан учрашди. Депутат Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тўғрисида сайловчиларга маълумот бериш билан бирга, ўтган депутатлик фаолияти ҳақида ҳам ҳисобот берди. Мулоқот савол-жавоб тариқасида ўтди. Икки кунлик депутат қабули вақтида 20 га яқин фуқаронинг мурожаати тингланди.

— Олий Мажлиснинг 9 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан ўз сайлов округимдаги оқсоқоллар ва маслаҳатчиларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам қатнашдим. Узун туманида 40 маҳалла бўлиб, шулардан 34 тасида шу кунга қадар сайлов ўтказилди, — дейди Б. Шодиева.

■ **Гули БОНУ**

2. ТАРАҚҚИЁТ ХУДБИНЛИК ДЕГАНИ ЭМАС...

XX асрда табиат ресурсларини дунёнинг икки қутбида ҳукмронлик қилган қарама-қарши кучлар томонидан шафқатсизларча ўзлаштириш жараёни кузатилди. Янги ерларни ўзлаштириш ўзига хос «кимўзар мусобақаси»га айланди. Агар XX аср 60-йилларида инсон ва атроф-муҳит учун хавфли оқибатлар келтирган 45 та йирик экологик фалокат юз берган бўлса, 80-йилларда буларнинг сони 80 тага етди. («Фалсафа».Т.,—«Шарқ» НМАК—1999 й.) Баъзи ўринларда рақамлар, сохта режалаштириш ортидан қувилиб, табиат қонуниятлари четга сурилди. Инсоннинг бу тарздаги худбинларча фаолияти экологик танглик ҳолатини вужудга келтирди. Алалоқибат она-табиат ўз тароватини йўқотди. «Қизил китоб», «қўриқхона» сингари атамалар пайдо бўлди. Табиатга нотўғри муносабат тириклик манбаи бўлмиш ерни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди. Маълум бўлишича, ишланадиган ерлар майдонининг 26 млн. гектарида ҳар йили ҳосилдорлик пасайиб бормоқда. Сув ва ҳаво эрозиясидан АҚШда унумдор тупроқ ҳар йили 3,1 млрд. тоннагача ишдан чиқмоқда. Бу — етиштирилган бир тонна буғдой ҳисобига 6 тонна тупроқ йўқотилиши дегани... (ўша китоб, 348-бет).

Фақат XX асрнинг ўзида ҳайдаладиган ерлар майдони икки ҳисса ортди. Эрозия (тупроқни ташкил қилувчи жинсларнинг сув ва шамол таъсирида парчаланиш жараёни ёки силжиши) оқибатида ҳар йили 6-7 млн. гектар ер қишлоқ хўжалиги учун фойдаланишдан чиқиб қоляпти. Ерларнинг ботқоқланиши ва шўр босиши оқибатида 1,5 млн. гектар ер ишдан чиқяпти. Шаҳарлар ўсиб боргани сари турар жой, саноат ва транспорт қурилишлари ҳам қишлоқ хўжалиги ерларига жадал суръатда босиб бормоқда. («География».10-синф учун дарслик.Т.,—«Ўқитувчи»—1995 й.)

Ўзбекистон Республикасининг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Республикада 2 миллион гектардан ортиқ ер майдони ёки барча суғориладиган ерларнинг қарийб ярми бузилиш хавфи остида қолган (И. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...». Т., — «Ўзбекистон» — 1997 й.).

Жаҳоннинг қурғоқчил ўлкаларида содир бўлаётган чўллашиш жараёнлари қишлоқ хўжалиги ерларини ўз қаърига ютиб бормоқда. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида «катта қурғоқчилик»ларнинг тез-тез бўлиб туриши натижасида чўллар майдони йилига 6 млн. гектарга кенгайди. Умуман 900 млн. гектардан ортиқ ер чўлга айланган. Яна ўнлаб мамлакатларда, асосан ривожланаётган мамлакатларда 3 млрд. гектар ер хавф остида турибди. Олимларнинг баҳолашларича, чўллашиш шу суръатда давом этса, 30 йилда Ғарбий Европанинг ярмига тенг келадиган ер ишдан чиқади.

ЮНЕП маълумотларига қараганда, ҳозирда қурғоқчилик ва ёғингарчилик кам минтақаларнинг 95 фоиз майдони чўлга айланиш арафасида. Чўллашиш жараёни соатига 7 кв.м. тезлик билан рўй бермоқда («География», 23-бет).

Ҳисоб-китобларга қараганда, инсон таъсирида таркиб тошган чўлларнинг жами майдони 9,1 млн. кв.км.ни ташкил этади. Кейинги 20 йил мобайнида бутун дунёда чўллашиш натижасида етказилган умумий зарар 520 млрд. АҚШ долларини ташкил этади(А.Рафиқов.«Геоэкологик муаммолар».Т.,—«Ўқитувчи»—1998 й.)

Ўрмонларнинг қисқариши яна бир муаммо. Бундан бир ярим минг йил муқаддам ўрмонлар Ер куррасининг 47 фоиз майдонини ишғол этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 27 фоизга тушиб қолди. Маълумотларга қараганда, дунё ўрмонлари майдони ҳар йили кам деганда 25 млн. гектарга ёки 0,5 фоизга қисқармоқда(«География», 27-бет).

Кейинги 40 йил мобайнида нам тропик ўрмонларнинг майдони 2 бараварга қисқарган. АҚШнинг «Дискавери» коинот кемасидан олинган сурат маълумотларига кўра, 1988 йилда Амазония минтақасида 13 млн. гектар майдондаги ўрмон қирқиш ва ўт тушиш натижасида йўқ бўлган. Статистик маълумотлар ўрмонларда ёнғин чиқиш ҳодисасида 97 фоиз одамлар айбдор эканлигидан гувоҳлик беради. Ҳозирнинг ўзидаёқ Лотин Америкаси ва Осиё сернам яшил тропик ўрмонларининг 40 фоизини, Африка 50 фоизини йўқотди. Олимлар XXI аср ўрталарига бориб бу ўрмонлар тўлиқ йўқ бўлишини таъкидлашмоқда.

XX аср бошларида ёғочдан 2-2,5 минг, ўрталарида 4,5-5 минг ҳар хил маҳсулот олинган бўлса, XX асрнинг охирида уларнинг тури 20 мингга етди (А.А.Хоназаров, Ғ.К.Кумзуллаев. «Тупроқ эрозияси ва тоғ-ўрмон мелиорацияси» китоби.Т.,—«Ўқитувчи»—1999 й.).

Кўриниб турибдики, инсон хўжалик фаолиятида ўрмон ресурсларига жуда кўп мурожаат қилади. Бундан ташқари ўсимликлар дунёси муҳим кислород манбаидир. Маълум бўлишича, дунёдаги барча ўсимликлар йилига 180-250 млрд. тонна карбонад ангидрид ютиб, 150-200 млрд. тонна кислород ажратади. Сўнгги 300 йил ичида АҚШда 141 млн. гектар майдондаги ўрмонни режасиз кесиш туфайли 114 млн. гектар ер эрозияга учраган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар йили ўрмонлар ёниши натижасида атмосферага йилига ўртача ҳисобда 1-2,6 млрд. тонна углерод қўшилмоқда.

■ **Шуҳрат ОРИФ,**
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири

УЧ ИЛДИЗ

Ер юзида мустақил Ўзбекистон деган давлат пайдо бўлди, «Ўзбек модели» номли ривожланиш йўли бутун дунёда тан олинди — бу биз учун ўтган ўн йилдаги эмас, йигирманчи асрдаги энг улуғ ҳодисадир

Юқоридаги фикрлар **«Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя»** мавзуида ўтказилган илмий-назарий анжуманнинг хулосаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Ўзбекистоннинг янги тарих маркази томонидан уюштирилган анжуманда 50 дан ортиқ тарихчи, файласуф ва сиёсатшунос олимлар тарихимиз, давлатчилигимизнинг қадимий илдизлари, мустақилликнинг моҳияти ва миллий ғоя тарғиботи ҳақида ўзаро баҳслашдилар. Икки кун давом этган анжуманда 60 дан зиёд маъруза тингланди. Бир қарашда бу анжуман ҳам республикамизда ўтказилаётган кўплаб илмий йўналишлардаги йиғинлардан бири бўлиб туюлиши мумкин. Лекин йиғин бошидаёқ олимлар томонидан «Ҳадеб миллий истиқлол ғояси бундоқ, миллий мафкура бундоқ, мустақиллик мана бундай имкониятлар берди», деган такрор-тавсифлардан қочиб, масалан, истиқлол ғоясини оддий одамлар қалбига ҳам етказиш учун қандай амалий йўллардан фойдаланиш мумкин, деган аниқ саволларга жавоб изласак, деган таклиф тушгани, бизнингча, бу анжуманнинг амалий йўналишда кечишлигини ҳам кўрсатиб бергандай бўлди. Тўғрида, айтайлик 5-синф ўқувчисига соатлаб миллий мафкура ҳақида маъруза қилсангиз ҳам ҳеч нарса тушунтира олмаслигингиз мумкин. Балки, «Ватанинг — бу онанг, ватанпарварлик — бу оилани севиш», десангиз у Ватан ва ватанпарварликни чуқурроқ ҳис қилар. Мустақилликни «ўйнаётган ўйинчоғингни ҳеч ким тортиб ололмаслиги», деб уқтирсангиз кўпроқ англаши мумкиндир, балки. Хуллас, ҳар бир фуқаронинг қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг шундай йўлини топиш керакки, Ватанпарварлик, Ватанга садоқат, Истиқлол сўзларини шода-шода қилиб тузмасдан ҳам бу улуғ тушунчалар улар шуурига жо бўлсин.

Бу фикрлар анжуманда янграган бўлса-да, тарих, истиқлол, миллий ғояга бағишланиб ўтказилган ушбу анжуманнинг ўтказилишиёқ аввало амалийдир — тарихни ўрганиш Ватанни ўрганиш дегани. Бугунги куннинг моҳияти, истиқлолнинг моҳиятини очиб беради. Миллий ғоя эса буюк келажак олдида бизни янада жипслаштиради.

Учала улуғ тушунча — **«Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя»**га бағишланиб ўтказилган республика илмий-назарий анжуманини шу жиҳатдан ҳам амалий бўлди, дейиш мумкин.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири

***

Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар

ЎЗ НАВИНГИЗ БЎЛСИН

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ

Изланишдан, фикрлаб ишлашдан тўхтадингми — бир жойда депсиниб қоласан. Бу — ҳаёт ва ҳаракат аъмоли.

Қашқадарёнинг мамлакат деҳқончилигидаги салоҳияти беқиёс. Аммо улкан имкониятлар деҳқончилик маданияти тубдан кўтарилса, сара ғалла ёки пахта навлари экилсагина юзага чиқади. Андижонлик деҳқонлар қайси далага нима экишни, қанча ҳосил олишни сувдек билишади. Хўш, Қашқадарёда-чи?

Шунда хаёлимга Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли ширкат хўжалиги келди. Ер майдони — 1035 гектар. Фақат ўтган йили пахта режаси бажарилмай қолди. Ғалла етиштиришда эса ҳамиша пешқадам. Ҳосилдорлик тўқсон олтинчи йилда 55, тўқсон еттинчи йилда 57, тўқсон тўққизинчи йилда 50 центнер бўлганди. Ўтган йилги қурғоқчиликда ҳам 460 гектар ернинг ҳар гектаридан 53 центнердан дон олишди. Шартномадаги 1300 тонна ўрнига 1740 тонна дон сотди. Одамларга ҳам унчамунча қолди. Ана шу хўжаликда одат тусига кирмаган воқеа юз берди. Вилоят ҳокими Б. Ҳамидов 3,9 гектар ерда деҳқончилик қилган ижарачи ғаллакорни шахсан қутлади...

— Машинам бузилган, сизнинг уловингизда юра қолайлик, — дея далага бошлади ширкат раиси Бозор Эшдавлатов. — Президентимизнинг куни кеча қамашилик ва яккабоғлик деҳқонлар билан дилдан суҳбатлашганларини телевизордан кўрдингизми? Юрагимни ёндириб юрган гапларни айтдилар.

— Тўқсон тўққизинчи йилни унутолмаяпсиз-а? — эслатаман раисга. — Агар адашмасам, ўшанда 300 тонна «Купава» навли уруғ бўладиган сара буғдойни оддий нархда топширишга мажбур қилишган эди чоғи?

— Нақ 400 тонна эди, — дейди раис бироз қизишиб. — Режани ҳам, мажбуриятни ҳам бажаргандик. Одамларга ҳам беришимиз керак эди.

— Юртбошимиз ҳар бир туман, ҳатто хўжаликнинг ўзи танлаган, синовдан ўтказган ғалла ва пахта нави бўлсин, деган вазифани қўймоқдалар. Андижонда ғалла ҳосилдорлиги 70 центнерга етганда, Қашқадарёда 40 центнердан кам бўлмаслиги керак-да! Туманлар 50 центнердан олса, хўжалигингиз қачон 60-70 центнерлик маррага чиқади? Ўша «Купава» нави ҳам ўзини тўла оқламаган экан-да?

— Бирдан бундай хулосага келманг-да. Деҳқончилик бир кунлик ёки бир йиллик эмас. Тўққиз йил бурун иқтисоди ўтириб қолган хўжалик раҳбарлигига сайланганимда, одамларга яхши меҳнат қилсак, яхши даромад оламиз, дегандим. Ўша йили қарз эвазига 100 та янги техника сотиб олдик. Ана шу туфайли нафақат туманда, балки вилоятда дон бўйича юқори ҳосилдорликка чиқдик. Юртбошимиз деҳқон яхши даромад олсин, демоқдалар. Ўзини эпполмаган хўжаликлар ҳиссасини ҳам топшираётганимиз туфайли сўзимизнинг устидан чиқолмаяпмиз. Бўш қоп тик турмайди, ахир. Ўтган йили ҳосилдорлик баланд бўлди. Ошиқча ғалла ҳам сотдик, одамларга ҳам бердик. Кузда яна 460 гектар ерга уруғ ташладик. Уруғ етиштирадиган хўжаликлар сирасига кирдик.

— Вилоят ҳокими Б. Ҳамидов билан суҳбатлашганимда, бир масалага эътиборни қаратганди. У кишининг айтишича, ўтган йили озроқ уруғлик донни Самарқанд вилоятига бериш керак экан. Шунда мутахассислар Андижондан келтирилганини эмас, ўзларида етиштирилган уруғни қолдиришни таклиф қилишибди. Бунга нима дейсиз?

— Андижонда катта тажриба мактаби яратилди, — дейди раис қатъият билан. — Биз улардан кўп нарсани ўрганишимиз керак. Аммо деҳқон ўзи синаган, ўзи ишонган навни, уруғни экиши керак. Ана шунда куйиб қолмайди. Қолаверса, вилоятларнинг эмас, туман, ҳатто хўжаликларнинг иқлими, тупроқ шароити фарқ қилади. Биз бу йил 217 гектар ерда буғдойнинг «Дельта», 63 гектар ерда «Купава», 50 гектар ерда элита «Уманка» навларини етиштирдик. Очиғини айтайми, бизда синов кетаяпти. Қайси нав афзал экан? Битта кичик тажрибамиз бор. Бу ҳам ўз навимизни топиш йўлидаги уриниш.

— «Чиллаки» нави бўлса керак-да, — сўрайман ундан. — Фақат сизларда экан. Вилоят ҳокимининг ўзи келиб кўрибди, табрик юборди.Бир танишсак.

— Қаердан била қолдингиз? — ажабланди раис. — Чунки ҳеч кимга айтган эмасмиз. Андижон ғалла уруғчилиги институтидан 5 тонна шу навли уруғлик буғдой олиб келувдик. Бахтиёр Султонович 19 май куни келиб кўрдилар ва «алоҳида топширасан», дедилар. Май ойининг охирида ўриб олиб, роса 137 тонна уруғлик буғдой топширдик. Ҳозир алоҳида сақланаяпти. Юринг, ўша далага борайлик.

Тажриба даласи Ирғовул қишлоғига элтувчи йўл ёқасида экан. Артезиан қудуқдан сув оқиб турибди. Ғалла ерига алмашлаб чигит экиб, ниҳолларни кўкартириб ҳам олишибди. Ижарачи ўйлаб гапирадиган киши экан.

— «Чиллаки» деганларига қизиқиб қолдим, — дейди ижарачи Бўта Эргашев. — Ўтган йили 5 ноябрда 3,9 гектар ерга экиб, бу йил май ойининг охирида йиғиб олдик. Ҳосилдорлик 74,4 центнердан тушди. Бошқа буғдойларга қараганда 2 марта кам сув ичаркан. Ўрнига пахта, макка экдик. Мана, эртапишар буғдойнинг хосияти.

— Айтишларича, ерни текислабсизлар, тупроқни майдалабсизлар. Буларнинг ҳаммаси қўшимча харажат. Вилоят ҳокими шундай ишлашга мажбур қилаяпти, ўзи экишнинг бошида турибди. Ҳайдалган ерларнинг сифатини қайта-қайта текширтираяпти. Бундан кейин ҳам шу тарзда деҳқончилик қиласизларми? Хўш, уруғлик буғдой етиштириб, қанча даромад қилдингиз?

— Мен элликка кирдим, ўн беш ёшимдан даладаман,— дейди Бўта ака анча мулоҳаза қилиб тургач. — Юртбошимизнинг сўзларини телевизордан эшитгач, роса ўйладим. Деҳқонга ёмон уруғ берманг, яхши даромад олсин, деяптилар. Чунки деҳқон бутун халқни боқади. Илгари буғдойни арзон сотиб келдик. Бу сафар уруғлик буғдойнинг ҳар килосини 120 сўмдан олишди. Жами 3,6 миллион сўм даромад қилдик. Оиламизга шартномадан ошган 12 тонна ғалла берилади. Соф фойда ҳам 350-400 минг сўмдан ошади.

— Бугунги ишлар юксалишнинг бошланиши, — дейди Бозор Эшдавлатов суҳбатга қўшилиб. — Ташаббус, изланиш, ислоҳот келажакка элтади. Бу йил ғалла ҳосилдорлиги 55 центнердан кам бўлмайди, деб турибмиз. 60-70 центнердан олаётган ижарачиларимиз анча. Ҳали яна катта марраларга етамиз.

Президентимизнинг юксак ишончлари ҳақиқат — Қашқадарё саховати беқиёс. Ҳозир вилоятда 40 дан ошиқ ғалла уруғчилиги билан шуғулланаётган хўжалик бўлса, улардан энг пешқадамидаги ибратли ишлар, имкониятлар энди-энди ишга солинаётганини кўрсатиб турибди. Воҳа хазинасининг олтин калити — фаол меҳнат, ташаббус ва доимий изланишдадир.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 12 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

1 Австралия доллари	190,73
1 Австрия шиллинги	22,52
1 Англия фунт стерлинги	504,94
10 Бельгия франки	76,82
1 Голландия гульдени	140,62
10 Греция драхмаси	9,10
1 Дания кронаси	41,60
1 БАА дирхами	99,19
1 АҚШ доллари	364,26
1 Миср фунти	94,37
10 Испания песети	18,62
100 Италия лираси	16,00
1 Канада доллари	239,71
1 Хитой юани	44,01
10 Люксембург франки	76,82
1 Малайзия рингити	95,87
1 Германия маркаси	158,44
1 Польша злотийси	91,64
1 СДР	454,67
1000 Туркия лираси	0,32
1 Финляндия маркаси	52,12
1 Франция франки	47,24
1 Швейцария франки	203,37
1 ЕВРО	309,88
10 Жанубий Корея вони	2,83
10 Япония иенаси	30,04
1 Россия рубли	12,50
1 Украина гривнаси	67,28

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«ЎЗБЕКИСТОН — ҚУШИҚ БАЙРАМИ»

Она-юрт, халқ, миллат озодлигини куйлаш, уни мадҳ этиш — шу азиз Ватан тупроғида яшаётган ҳар бир инсон учун ифтихор.

Куни кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ижодий жамоалари ўртасидаги «Ўзбекистон — қушиқ байрами» VI республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Мамаюсупов байрамни очар экан, қўшиқ, умуман маънавият ҳуқуқий демократик давлат пойдеворининг асосини ташкил қилишини, ҳар бир фуқаро мана шу пойдеворнинг мустаҳкамлигини таъминлашга ўзининг ҳиссасини қўшиши лозимлигини таъкидлади.

Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётган ушбу кўрик-танловда халқ тинчлиги ва осойишталиги йўлида меҳнат қилаётган ички ишлар ходимларининг туман, шаҳар, вилоят бошқичларида ғолиб деб топилган ижодий жамоалари ўзларининг тайёрлаб келган қўшиқлари билан иштирок этишди. Юзларида жасорат, шиддат, мардонаворлик барқ уриб турган осойишталик посбонларининг ижро этган қўшиқлари замирида юртга, Ватанга чексиз муҳаббат, Мустақиллик, Истиқлолни улуғлаш каби олижаноб туйғулар ифодасини илғаш мумкин эди.

Кўрик-танлов сўнгида ғолиб деб топилган жамоалар эълон қилиниб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ**

БУГУН — РОССИЯНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

(ёхуд Россия Федерациясида бу жараённинг амалга оширилиши хусусида)

Ўн бир йил олдин Россия тарихида янги саҳифа бошланди. 1990 йил 12 июнда давлат суверенитети тўғрисида РСФСР халқ депутатлари Биринчи съезди Декларация қабул қилди. Ўша йили борйўғи орадан 8 кун ўтгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида «Мустақиллик Декларацияси»га имзо чекилди. Собиқ СССРда иккинчи президент ҳисобланган муҳтарам Ислом Каримов жуда зукколик билан вазиятни англади. Ваҳоланки, ўша пайтдаёқ давлат мустақиллиги, ўзликни англаш, миллатни улуғлаш ва истиқболли келажакни вужудга келтиришни биринчи бўлиб тушуниб етган инсон эди у.

Президентимизнинг сайланиши (24 март, 1990 йил) мустақиллигимиз эшигини қия очган бўлса, 20 июндаги «Мустақиллик Декларацияси»нинг қабул қилиниши ўша эшикни ланг қилиб очди. Орадан кўп эмас, оз эмас бир йилу 72 кун ўтгандан кейин 1991 йил 1 сентябрда улуғ неъмат — Мустақиллигимиз қўлга киритилди!

1991 йил 21 декабрда СССР тарқатиб юборилди ва Россия Федерацияси давлат суверенитетини мутлақо эгалади ҳамда 12 июнни байрам қилиш — 1992 йилдан бошланди. Россия Федерацияси ўз Конституциясини 1993 йил 12 декабрда қабул қилди.

Россия Федерациясида давлат ҳокимиятини Президент, Федерал йиғилиш (Федерация Кенгаши ва Давлат Думаси), Россия Федерацияси ҳукумати, судлари бошқаради. Президент — давлат бошлиғи. У тўрт йил муддатга Россия Федерацияси фуқаролари томонидан тенг ҳамда яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Федерация Кенгашига Россиянинг 89 субъектидан иккитадан ижро ва қонунчилик ҳукумати вакиллари киради. Давлат Думасини эса 450 депутат ташкил қилади. Депутатлар 4 йил муҳлатга сайланади. Россия Федерациясига 21 та республика, 6 та ўлка, 10 та автоном округ, 1 та автоном вилоят ва 49 вилоят киради. Шунингдек, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари федерал аҳамиятга молиқдир. Мамлакатда 140 млн. дан ортиқ киши истиқомат қилади. Улар 150 дан ортиқ миллат, халқ ва этник гуруҳлардан иборат. Рус тили ҳудуднинг барча жойида давлат тили ҳисобланади.

Бугун Россия ўзининг миллий байрамини нишонламоқда. Байрам — байрам-да: халқ сайиллари, фольклор чиқишлари бутун Россия шаҳарларида ва йирик қишлоқларида ташкил қилинади. Истироҳат боғлари юзларида Мустақиллик нашидасини тотган халқ билан тўлиб тошади. Бироқ бугунги ислоҳотлар даврида қилинадиган ишлар жуда кўп. Буни амалга оширишга Россиядек ўлка қодир деб ўйлайман. Гарчи ўринли, кўпинча ўринсиз танқидлар бўлиб турса-да — XXI асрнинг биринчи йили Россия учун катта синов йилидир.

Президент Путин ва унинг ҳукумати Россияда иқтисодий аҳволни яхшилашга чиндан ҳам киришди. «Биз, — деди Президент, — имкониятга қараб яшашни ўрганолмаяпмиз, — давлатнинг ҳаракати даромадга мос эмас. Нима қилиш керак? Энг аввало: а) солиқ йиғимини кўтариш; б) спиртли ичимликларни давлат монополиясига айлантириш; в) ижтимоий ислоҳотни «ҳамма учун» эмас, балки аниқ шахслар бўйича амалга ошириш — ўртача ойлик, нафақани ўз вақтида тўлаш ва яна муҳими ижтимоий тушумтўламни Федерал ҳокимият эмас, маҳаллий ҳудудларда амалга ошириш керак». Буларни амалга ошириш дастурининг асосий мақсади — давлат мол-мулкидан унумли фойдаланиш, хазинани тўлдириш учун янги заҳираларни қидириб топиш керак. Бюджет қарзини ўз вақтида тўлашга, банкрот бўлган фирма ва корхоналар хўжайинлари эндиликда шахсий буюмларини ҳам гаровга беришга мажбур қилинади. Ер ва табиий бойликлар учун солиқ олиш қатъий йўлга қўйилади.

Ўзбекистоннинг Россия билан иқтисодий-маданий муносабатлари ўзаро тенг ва дўстона вазиятда давом этмоқда. Юзлаб қўшма корхоналар фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Ҳозирги маънавий ўзлигимиз манбаалари — китоб нашр қилиш, газета-журналларни чоп этишда қоғоз муаммоси борасида Россия давлати янада бағрикенглик қилиши бугунги муносабатларимизга фақат ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман. Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан-маданият ҳамкорлиги ҳар қанча равнақ топса, халқлар дўстлиги, самимий ва ижодий яқинлиги давом этаверади.

Бу ўринда Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шериги ва иқтисодий ҳамкори ҳисобланишини ҳам қайд қилиш керак. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳам Россиянинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Сўнгги вақтларда бу борадаги ҳамкорлик алоқалари сезиларли жонланганини таъкидлаб ўтиш жоиз. 2001 йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми тўққиз фоиз ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо айланмасининг йиллик ҳажми 1-1,5 миллиард АҚШ доллари атрофидадир.

Россия бой-бадавлат мамлакат: ёнилғи-энергетика, ғалла, чексиз-чегарасиз табиий заҳиралари бисёр. Ҳозирги ўз мустақиллиги даврида барча ишчи ва табиий ресурсларни ишлатиш мумкин — ким халақит беради?! Давлатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида, Россиядан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида жуда кўп муаммолардан ҳоли бўлди, деб қайд қилинади. Бу — Ўзбекистон учун ҳам, Россия учун ҳам тажриба, сабоқ бўлиб қолиши керак. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Россия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кучайтиришдан, ўз навбатида, Россия ҳам мамлакатимиз билан бу борадаги шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор.

Россия давлати Президенти Владимир Путин Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат хавфсизлигини таъминлаш борасида юритаётган сиёсатига юқори баҳо берди ва бу жараён республикамиз иттифоқчилари, жумладан, Россия томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

■ **Карим НОРМАТОВ,**
шарҳловчи

СПОРТ

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК

Ана шундай. Спорт ҳамиша хайрли ишларга хизмат қилган ва шундай бўлиб қолади. Юртимизда ўтказилаётган йирик халқаро мусобақаларда ўнлаб ёшлар ўртасида дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда. Ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Олти йилдан бери анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган «Тошкент опен» аёллар халқаро мусобақаси ҳам ўзбекистонлик ўнлаб қизларнинг хорижлик теннисчилар билан ўзаро дўстлашишига имкон бермоқда. Муҳими, Ўзбекистон довруғини оширишда спортнинг аҳамияти беқиёс.

Бугун халқаро теннис мусобақасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Жума кундан бери эса асосий турда иштирок этишга даъвогар теннисчилар орасидан лаёқатли ўйинчиларни саралаш бўйича учрашувлар уюштирилди. Қувончли тарафи шундаки, бундай саралашда мамлакатимиз теннисчилари ҳам ўз имкониятларини синовдан ўтказишга интилдилар. Хусусан, юртдошларимиздан Ивана Исроилова, Комила Дадахўжаева, Мария Жиоржио, Наргиза Иброҳимова. Елена Митрофанова, Елена Рябцева, Кира Безверхова, Ирина Комиенко, Александра Сорокатяга, Анна Шчурак, Лиза Биктякова, Лиля Биктякова каби умидли теннисчилар маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилиб, тажриба орттирдилар. Муҳими, бошланган асосий тур баҳсларида теннис юлдузи Ирода Тўлагановадан ташқари Оқгул Омонмуродова билан Варвара Левченколар ҳам совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қиладиган бўлиб туришибди.

Шанба куни ўтказилган қуръа ташлаш маросимида шу нарса ойдинлашдики, Ирода дастлабки учрашувни саралаш баҳслари ғолибларидан бири билан ўтказади. Бу сафарги мусобақада жаҳон рейтингида 35-бўлиб турган Татьяна Пановага катта умид боғланмоқда. Бу теннисчи турли мусобақаларда мукофотли ўринларни эгаллаш билан эътибор қозонганлардан. Умуман, Тошкент мусобақаси иштирокчиларининг бари профессионал теннисчи ҳисобланади. Теннисни касб-кор этган спортчи сўзсиз моддий манфаатдор бўлишга интилиши табиий. Хусусан, Татьянанинг жами тўплаган минг жамғармаси ҳозир қарийб 555 минг долларга тенг бўлиб турибди. Халқаро мусобақанинг мукофот жамғармаси эса йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар теннисчилар ғолиби 1996 йили бор-йўғи 3850 доллар олган бўлса, 1997-98 йилларда бу мукофот 8800 га етди. 1999 йили ғолиб теннисчига 16200 доллар тақдим этилди. Бултургига ўхшаш бу йил ҳам биринчи ўринни эгаллаган теннисчи 22 минг АҚШ долларига эга бўлади. Айни пайтда ғолиб ҳисобига 140 очко ёзилиб, унинг халқаро рейтинги ҳам бирмунча ошади.

ФАРҲОДГА МУНОСИБ БЕЛБОҒ

Пойтахтимизнинг «Юнусобод» спорт кошонасида ўтказилган «Бокс-шоу» тадбири мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Профессионал боксчиларнинг қизғин ва муросасиз баҳсларининг мароқли концерт тантаналарига уйғунлашиши тадбирга ўзига хос файз бағишлади. Асосий мақсад бугунги кунда Пан Осиё бокс ассоциациясининг белбоғини эгаллаб турган индонезиялик Давид Косвара билан беллашувда ана шу мукофотга даъвогарлик қилишдан иборат эди. Бундай орзу-хавасга бел боғлаган юртдошимиз Фарҳод Бакиров Давид билан жангни кўтаринки руҳда ўтказиб, ғалабани техник нокаут ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Шундай қилиб, Фарҳоднинг белини Пан Осиё ассоциациясининг белбоғи безайдиган бўлди. Шунингдек, «Бокс-шоу»да ўзбекистонлик Мехти Маҳкамов билан унинг юртдоши Акмал Асланов учрашуви дуранг бўлди. Уйғун Сиддиқов эса қозоғистонлик Юрий Жарковни мағлубиятга учратди. Фарҳод Арслонов молдовалик Тимофей Скрябиндан устун келди. Зиятдин Тойғанбоев эса Максим Красотин (Россия) билан баҳснинг тўртинчи раундида очколар ҳисобида қўлини кўтарди. Таниқли боксчи Наримон Отаев профессионал боксда ҳам бўш келмаслигини кўрсатди. У қозоғистонлик Бекжон Олтинбоевни доғда қолдирди. Ва ниҳоят ҳаваскор боксчилар сафида жаҳон чемпионати баҳсларида иштирок этган Карим Тўлаганов беларус йигити Александр Серовато билан жангни ўз фойдасига ҳал қилди.«Бокс-шоу» юртимиз чарм қўлқоп усталари орасида спортнинг мазкур турини ўзига касб қилаётганлар сафи кенгайиб бораётганидан далолат берди.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

ОШКОРА ФИКР

«МИЛЛИЙ НУҚСОН»ЛАР ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ўзбек халқининг тарихан шаклланган олий фазилатлари, моддий ва маънавий бойликлари ҳақида кўп гапирилди ва ёзилди. Бунга ҳеч қачон эътироз ва қаршилик йўқ, албатта. Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда улкан ютуқларга эришиб, умуминсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Милоддан аввалги асрлардаёқ Туркистон заминида қудратли давлатлар ва маданият ўчоқлари юзага келди. Аммо, мустақиллик ва тараққиёт занжир халқалари сингари бир-бирига уланмай орада узилиш ва ўпирилишлар содир бўлди. Зеро уч минг йиллик тарихимизнинг 700-800 йили чет эл зулми остида кечди. Бу нима дегани? Ўзбеклар шунчалик жасоратсиз ва она юртига вафосиз халқ бўлганми? Албатта, йўқ, аксинча улар ўта жанговар ва ватанпарвар кишилар ҳисобланган. Буни Аҳамонийлар, македониялик Александр, халифалик, мўғуллар, чор ҳукумати ва совет давлатига қарши олиб борган қаҳрамонона курашлар яққол исботлайди. Хўш, шундай экан, нима сабабдан ўтмиш замонларда ота-боболаримиз юз йиллаб босқинчиларнинг қўл остида яшаганлар? Бундай фожиалар рўй беришида кундалик ҳаётда ҳукм сурган «миллий нуқсон»лар ҳам сабаб бўлган.

СИЁСИЙ СОҲАДА

Маълумки, бошқа мамлакатларга ўхшаш Туркистон заминида ҳам тахт учун курашлар ва қобилиятсиз шахсларнинг тахтга ўтиришлари кўзга ташланган. Бундай ҳолларда жамоа аҳли билан ҳукумат ўртасидаги алоқа узоқлашиб, ички сиёсат инқирозга учраган. Зеро, жамоа аҳли ҳукмдорларнинг ўзаро қонли жангларига қарши бош кўтармай бир четда тураверган. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган тахт даъвогарлари ҳеч қандай қаршиликсиз курашни давом эттириб, давлатнинг куч-қудратини заифлаштирган. Мана шундай вақтда жамоа аҳлининг бетараф бўлиб туриши «миллий нуқсон»нинг намуналаридан бири эди. Айрим мисолларни келтирамиз.

Хоразмшоҳлар даврида ҳаёт анча яхшиланиб, фан ва маданият ўсди. Туркистоннинг жаҳон даврасидаги мавқеи кўтарилди. Аммо, мўғулларнинг тажовузи бошланиб, мамлакатнинг тақдири қил устида турганда тахт учун курашлар авжига минди. Довдираб қолган Муҳаммадшоҳ қочгандан кейин тахт учун курашлар янада кучайди. Ҳатто, бир жиҳатдан етилган ва ватанпарвар Жалолиддинни ўлдириб, тахтга йўлатмаслик режаси тузилди. Жалолиддин жамоа орасида таянч тополмай, Хоразмни тарк этишга мажбур бўлди. Агар оёққа туриб, уни қувватлаганда босқинчиларни тор-мор этиш турган гап эди. Бироқ бундай қилинмаслиги мамлакатни шу даражада яксон бўлишига олиб келдики, таърифлашга қалам ожизлик қилади. «Миллий нуқсон»лар жамоа аҳлининг ватан хоинларига нисбатан муносабатида ҳам кўринади. Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг ғалабасини таъминлашда хоразмлик йирик савдогар Маҳмуд Ялавоч бошлиқ бир гуруҳ савдогарлар катта «хизмат» қилдилар. Уларнинг хоинлиги жамоа аҳлининг кўз ўнгида содир бўлиб мислсиз талафот ва вайронгарчиликлар кўрилди. Мустақиллик ва озодлик барбод этилиб, ўн минглаб кишиларнинг «ёстиғи қуриди». Ватанфуруш Маҳмуд Ялавоч ва ўғли Масъудбек мўғулларнинг ноиби сифатида Туркистонда умумлаштирганда 80 йил ҳокимлик қилди. Бу пайтда жамоа аҳли уни жазолаш у ёқда турсин «мушугини пишт» демай итоатда бўлди. Олайлик Амир Темурга боғлиқ воқеани. У ўлим тўшагида невараси Пирмуҳаммадни тахт ворислиги ҳақида васият қилди. Амир ўлимидан кейин биринчи навбатда унинг васиятини фарзандларининг ўзлари инобатга олмай, урушларни бошлаб юборишди. Шу тарика кечагина олам узра шуҳрат қозонган, мустақиллик ва тараққиётни таъминлаган соҳибқиронинг васияти инкор этилди. Амир Темур туфайли озодлик ва фаровон ҳаётга эришган халқ ўзининг халоскори ва сардорининг васияти бузилганда, унга қарши бош кўтармай «томошабин» бўлиб тураверди. Буюк давлат арбоби ва машҳур олим Улуғбекнинг қисмати ҳам фожиали кечган. У ўзининг фарзанди томонидан ўлдирилди, лекин бу гал ҳам жамоа аҳли ҳеч нарса бўлмагандек яшайверди. Ахир халқпарварлик, ватанпарварлик ва тараққийпарварликда тенги йўқ Амир Темурнинг сиёсати ва васиятини сақлаш, Улуғбекнинг душманларига қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эди-ку.

XVI асрнинг бошларида Шайбонийхон бостириб кирганида мустақиллик ва тараққиётнинг рамзи бўлмиш темурийлар давлати жамоа аҳли томонидан етарли даражада ҳимоя қилинмади. Натижада не машаққат ва катта талафотлар эвазига эришилган тараққиёт барбод бўлиб, кўчманчилар ҳукмронлиги ўрнатилди. Шуниси ачинарлики жамоа аҳли босқинчилар ва уларнинг тарафига ўтган кимсалар билан муроса қилди. Шундан кейин халқ бунинг фожиали оқибатини кўрди. Зеро, мамлакат даставвал иккига, сўнгра уч қисмга парчаланиб тахт учун курашлар давом этаверди. Ҳокимият тепасига бирин-кетин қобилиятсиз хонлар келиб, маишат ва ҳузур-ҳаловат билан шуғулландилар. Шунда ҳам жамоа аҳли оғир шароитга қарши бош кўтармади. Натижада мамлакатда инқироз ва қолоқлик кўзга ташланиб, давлатнинг куч-қудрати ва салоҳияти жуда пасайиб кетди. Халқ билан ҳукумат ўртасидаги масофа анча узоқлашиб, бирдамлик ва ҳамдардлик жуда заифлашди. Бундай қулай вазиятдан чор ҳукумати фойдаланиб, ўлкани қонга белаб, босиб олди. Савдогарлар, дин пешволари ва амалдорларнинг айрим вакиллари она юртга хоинлик қилиб, душманга хизматларини аямадилар. Улар бунинг эвазига мукофотлар ва имтиёзларга эга бўлдилар. Аммо, жамият аҳли уларни «жазосини худо берсин» деган руҳда иш юритиб, тегишли чораларни кўрмадилар. Ваҳоланки, ватанфурушлар минглаб одамларнинг ўлимига зомин бўлиб, мустақиллик ва озодликка қаттиқ зарба берган эдилар. Улар чор ҳукуматининг паноҳида гердайиб, ҳеч нарсадан тортинмас ва жабрланмай ҳаёт кечирдилар.

Тошкентда хоинлардан бири Абдураҳмонбек генерал Черняев тарафига қочиб ўтиб, ҳозирда Ўрдадан оқадиган Анҳор сувини бошидан, яъни Чирчиқдан тўхтатишни маслаҳат қилди. У шундай қилгандагина тошкентликларни сувсизликдан енгиш мумкинлигини душманга маълум қилди. Генерал Черняев дарҳол Анҳор сувини тўхтатиб, шаҳарни сувсиз қолдирди. Бу тадбир Тошкентнинг босиб олинишини жуда осонлаштирди. Генерал Черняев Абдураҳмонбек ҳурматини ўрнига қўйиб уруш вақтида шаҳарда бузилган жойларни тузатиш вазифасини топширди. Бу иш учун унга маблағ берилди. Шундан кейин Абдураҳмонбек шаҳарда бемалол юраверди, лекин ҳеч ким уни жазолашни ўйламади. Совет давлатининг дастлабки йилларида «босмачи»лар деб ноҳақ қоралган, аслида Ватан учун курашганларни бостиришда, Хива ва Бухоро хонликларини тор-мор этишда аҳолининг маълум қисми қатнашиб, Ватан ҳимоячиларини ўлдиришда ва бойликларининг таланишида «жонбозлик» қилдилар. Биз эса (шу жумладан, камина ҳам) қилмишларини била туриб, уларни «граждан» урушининг қаҳрамонлари ва ватанпарварлар деб таърифладик. Шунингдек, қатағон йилларида қамалган ва отилган шоир, ёзувчи, олимлар ва бошқа атоқли кишиларнинг «халқ душман»лари, «Америка ва Германия айғоқчи»лари деб қораланганлигини ким билмайди дейсиз. Жамоа аҳли қатағонларга қарши оддий норозиликни ҳам билдиришга журъат этолмади.

Демак, айрим тарихий даврларда аҳоли сиёсий фаолиятининг сусайиб кетиши, Ватан хоинлари билан муроса қилиши «миллий нуқсон»ларнинг сиёсий негизини ташкил этди.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

«Миллий нуқсон»лар турли урф-одатлар ва маросимларни ўтказишда ҳам намоён бўлган. Ваҳоланки, улар тарихан шаклланган миллий анъаналарнинг таркибий қисми ҳисобланиб, инкор этиш ёки қоралаш мумкин эмас. Аммо уларнинг орасида «ошини ошаб ва ёшини яшаб» бўлганлари бор. Бундан ташқари тўй ва маросимларни ўтказишда дабдаба, манманлик ва исрофгарчиликларга йўл қўйиш оммавий тус олди. Буларнинг ташаббусчиси ва илҳомчиси биринчи навбатда бой кишилар бўлган. Уларнинг хатти-ҳаракатлари акс-садоси оддий кишиларни ҳам қамраб олди. Зеро, кундалик қозонини зўрға қайнатиб турган отаоналар тўй ва маъракаларни юқори даражада ўтказиш орзуси билан яшадилар. Улар бунга эришмоқ учун еб-ичиш ва кийинишни тежаш ҳисобига маблағни тўплашга қаттиқ ҳаракат қилганлар. Ҳатто қарз ҳисобига бўлса ҳам катта тўй ва маъракаларни ўтказишга мукка тушишган. Айниқса, қизларни узатиш кўп қийинчилик ва азоб-уқубатларни юзага келтирган. «Чақалоқни бешикка, сепини сандиққа сол» деган нақл бежиз айтилмаган. Ота-оналар қиз туғилиши биланоқ сепини тайёрлаш даҳди билан яшаганлар. Никоҳдан кейинги чаллар, қуда чақириқ, бешик тўйи ва йўқлаб туришларнинг оғирлиги асосан қизнинг ота-онаси зиммасида эди. Ўз навбатида оғирлик куёв томонга ҳам тушган. Чунки, кўп ҳолларда оддий кишилар тўй ва маъракаларни қарз ҳисобига ўтказганлар. Айниқса, муҳтарам оналар қизлари сепини тайёрлашга алоҳида эътибор бериб маблағ тўплаш ниятида ўзларини «сувга ҳам ўтга ҳам урган»лар. Иккинчи жаҳон уруши вақтида одамлар бир бурда нонга зор бўлиб, бутун мамлакат бўйича қаҳатчилик ва очарчилик ҳукм сурган. Мана шундай ўта оғир шароитга қарамай онам раҳматли синглимга палак сотиб олди. Шунда отам унинг ўрнига озиқ-овқат олсанг яхши бўларди деганда онам: «Қизни палаксиз узатиш номус, очдан ўлишга розиман, лекин палакдан воз кечмайман», — деб жавоб берган эди. Шубҳасиз, қизлар сепини тайёрлаш ота-онанинг бурчидир. Бироқ «кўрпага қараб оёқ узатмай» маросимларни ўтказиш ва қарзга ботишнинг оммавий тус олиши жамият тараққиётига қаттиқ зиён келтирди. Кўп йиллар мобайнида «нина билан қудуқ қазилгандек» тўпилган маблағлар фарзандларнинг саломатлигини, саводи ва билимини таъминлашга эмас, кўпроқ тўй ва маъракаларга сарфланди. Шу тарика не азоб-уқубатлар билан қўлга киритилган даромадлар икки-уч кунда совурилган. Қарздорлар эса мол-мулки ва бир парча еридан маҳрум бўлдилар. Тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш «мусобақа»га айланиб ҳар бир оила бир-биридан ўзишга ҳаракат қилди. Жамоа аҳлининг тўй ва турли маросимлар билан ўралашиб даромаднинг талай қисми уларга ишлатилиши саводсизлик ва қолоқликнинг ҳукм суришига олиб келди. Ҳатто ман-ман деган катта бойларнинг кўпчилиги дабдабали маросимларни ўтказишга маблағни аямадилар. Бироқ фан ва маданиятни ривожлантиришга келганда ўзларини четга олдилар. Ҳатто ўша бойларнинг орасида саводсиз кишилар ҳам бор эди.

Жадидлар биринчи бўлиб жамиятни орқага сураётган дабдабали маросимлар ўта зарар келтираётганлиги ҳақида танқидий мақолаларни чоп этдилар. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудий «Бизнинг кемирувчи иллатлар» мақоласида шундай ёзган: «Бизнинг кемирувчи иллатлар дейилганда заҳму маразни гумон қилишингиз мумкин. Ёйинки сил касали ёки маховликни тушунарсиз? Йўқ, ундан ҳам ёмонроқ хонавайрон ва қашшоқлаштирувчи бир дард борки, у ҳам бўлса тўй ва маъракалардир. Улар бутун Туркистон шаҳарлари ва қишлоқларини қамраб бизларни инқирозга, таҳликага ва жаҳаннамга йўналтирмоқда.

Қуръони каримда, — деб сўзини давом эттиради Беҳбудий, — ўз қўлларингиз ила ўзингизни таҳликага отманглар, — дейилган. Биз бўлсак Худонинг амрига бўйин эгмай, тўй ва бошқа маросимларга борйўғимизни сарфламоқдамиз. Ўн-йигирма чақирим узоқликдаги жойда тўй бўлса ҳар ким деҳқончилиги ва бошқа ишларини ташлаб, у ерга боради. Деҳқон учун олтиндан қиммат вақт бекорга кетади. Уруғ бир кун кеч сепилгани учун кўкармай ёки етилмай қолади. Бир кун кечикиб йиғилган ҳосил барбод бўлади».

Кўриниб турибдики, Беҳбудий катта ҳажмда ўтказилган маросимларнинг нақадар зарарлилигини тўғри баён этган. Унинг кўрсатишича, у ёки бу одам «ўз қаторидаги кишиларнинг тўйидан зиёдроқ» қилишга курашган. Бунинг орқасида қулоғигача қарзга ботиб, бор-йўғидан айрилган кишилар кўп бўлган. Борди-ю қарздор вафот этса, уни фарзандлар тўлашга мажбур бўлганлар. Акс ҳолда суд ҳукми билан мол-мулки тортиб олинган.

«Бечора косибнинг, — дейди Беҳбудий, — мақсади тўй ўтказишдан иборатдир! — У роҳат юзини кўрмайди. Бир кеча-кундузда 18-20 соат ишлайдирган косиблар бор. Улар тинимсиз меҳнат қиладилар-ку, лекин ейиш ва кийинишидан ўзларини сириб, топган-тутганларини бир зумда, яъни тўй кунларида совурадилар. Қайта тўй қилиб уйланган кишиларнинг ҳолига йиғлайсан киши. Уч кунлик тўйнинг ташвиши ва азоби айрим оилаларда ўн йил, ҳатто умр бўйи давом этади».

Қарз ҳисобига уйланиш шу даражада кўпайганки, «қарз узилар, хотин ёнга қолар» деган нақл келиб чиққан. Беҳбудийнинг қарздорлар қисмати ҳақидаги сўзлари ҳам диққатга сазовордир: «Табиийки, — дейди у, — қарз пулларини бермак лозим. Боғни ва уй жиҳозларини сотишга тўғри келади. Бечора келин ва куёвнинг кўрпа ва ёстиқлари ҳам сотилади. Оила дарбадар бўлади. «Ой, бу нима?» Тўғриси, бир нав девоналик эмасми? Субҳаноллоҳ, қарз олиб халққа ош бермоқ ақлсизлик эмасми? Иллати бедаводир. Ҳар киши бир уйланса ва сўнгра оиласидан бир ўлик кўмса, Оллоҳи Акбар, у хона аҳли косиб (ҳунарманд) бўлса, у дунёга ўзига келмасдан кетади... Бир дўкончи, бир гулкор, бир фақирҳол, бир косиб тўй ва таъзиялар ўлимдан қаттиғдир-ки, бунинг учун бечора ҳар кун ўлур, ҳар кун ўлгани билан қутулмас. Ўзидан кейин бу йўқсуллик ва бу мусибат мерос кўяр. Хўб, яхши, ўз молини тўй ва таъзияга исроф этсун, барбод этсун, кўзи чиқсун. Ҳай банқа ақчасини, биров пулини начун барбод этар? Бу девоналикнинг у тарафи эмасми? Бу ҳол ила 20-30 йил ўтса, ер ва ҳовлилар ажнабийларга ўтиб, аксар халқимиз гадойлик даражасига етади. Эллик сана муқаддам ер сотилса бир мусурмон оларди, энди бошқалар олур. Мана, энди биз бу ҳол билан яна йигирма-ўттиз йил ўтказсак, халқимизнинг ярмидан зиёдаси ватансиз, ерсиз дарбадар бўлатурғони маълум ва ошкордир».

Беҳбудийнинг маълумотига кўра, камбағаллар тўйга 200 сўмдан 1000 сўмгача харажат қилганлар. Булар ўз даврига нисбатан салмоқли маблағ ҳисобланган. Сармоядорлар эса беш ва ўн минглаб сўм сарфлаганлар. Бу маблағлар Туркистон бўйича йиғилса, кўп мактаблар ва бошқа ўқув масканларини бемалол очиш мумкин эди. Жадидлар тўй ва маросимларга мана шу нуқтаи назардан ёндашиб, даромадларни Мадина, Миср, Туркия ва Оврупо мамлакатларига ёшларни юбориб, ўқитишга сарфлашга чақиради. Ёш авлоднинг саводини чиқариб ва билимини ошириб техника бўйича мутахассисларни, банк ва бошқа идораларнинг хизматчиларини, тижоратчиларни тайёрлаш зарурлигини кўрсатдилар. Бу ҳақда Беҳбудий шундай дейди: «Бошқа миллатларнинг бойлари камбағаллар учун мактаб ва университетлар очиб, талабаларга маош берадилар. Улар бу ишлари билан фахрланиб юрадилар. Бизда ўз ўғилларини ўқитмайдиган бойлар бор. Бутун Туркистон бўйича ўнта бой бир йилда минг сўмдан берса 25 та бола учун Тошкентда «диний ва замонавий» пансионат очиш мумкин. Ўн йилда уларда 200 муҳандис, шифокор, ҳуқуқшунос, муаллим ва техникни тайёрлаш мумкин. Миллатимиз бойлардан шуни кўз тутар, халойиқни барбод этувчи тўйни эмас. Оҳ, бу сўзларни тушунатурғон бойлар бизда етушганми?».

Жадидлар тўй ва маросимларни йўқ қилиш тарафдорлари бўлмаганлар. Улар тўй ва маъракаларни мусобақага айлантирмай ва маблағларни беҳудага сочмай ўтказишга даъват этганлар. Ҳар бир киши ҳоли қудрат маросимларни ўтказиб, қарздорлик кишанига илинмасликлари тарғибот қилинди. Ишлаб топилган маблағни биринчи навбатда жамият тараққиётига сарфлаш лозимлиги уқтириб ўтилди.

МАДАНИЙ ҲАЁТДА

Чет эл босқинчиларининг ҳукмронлиги даврида зўравонлик билан араб, форс ва сўнгра рус тилига давлат мақоми берилди. Натижада ўзбек тили уларнинг соясида қолиб, кенг қўламда ривожлана олмади. Зиёлилар ўша хорижий тилларни эгаллаб, кўп асарларни ёздилар. Чет тилларни билиш фойдали ва шарафли иш, лекин она тилда ижод қилинмаслиги миллий фан ва маданиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Айни пайтда халқ оммасининг хорижий тилларни билмаслиги илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлишига йўл бермади.

(Давоми 4-бетда)

«МИЛЛИЙ НУҚСОН»ЛАР ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

(Давоми. Боши 3-бетда)

Машҳур олиму фозилларнинг она юртидан бош олиб хорижий мамлакатларга чиқиб кетишлари ҳам миллий фан ва маданиятнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа таниқли олимлар хорижий мамлакатларда яшадилар ва вафот этдилар. Буни қарангларки, ҳозирда уларнинг қабрлари ўзларининг она юртида эмас, хорижий мамлакатлардадир. Шахсан мен ўзим, шубҳасиз бошқа кимсалар ҳам, юқорида кўрсатилган буюк алломаларнинг қабрлари мамлакатимизда бўлганида зиёрат қилиб турган бўлардик.

Яхшиямки, ал Фарғонийга ёдгорлик мажмуаси қурилиб уни зиёрат қилиш имкони туғилди.

Зиёлиларнинг атоқли вакилларининг ўз Ватанидан бош олиб чиқиб кетишларига ижодий иш учун етарли шароитнинг йўқлиги сабаб бўлган, албатта. Ҳатто у ёки бу ҳукмдорнинг машҳур олимларни қувғин қилинганлиги ва ўлдирилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, буюк имом ал-Бухорий Ватанини соғиниб қайтганда, Бухоро ҳокими ундан арзимас масала бўйича баҳона топиб, уни шаҳардан чиқариб юборилиши ҳақида фармон беради. Дили озор чеккан Имом ал-Бухорий Самарқанд йўлида дардга чалиниб ҳаётдан кўз юмади. Буюк Мирзо Улуғбекнинг тақдири ҳам фожиали кечган эди. У ўғли томонидан ўлдирилди ва илмий мероси оёқ ости қилинди. Иш шу даражага бориб етдики, Мирзо Улуғбекнинг обсерваторияси қаердалигини юз йиллар мобайнида ҳеч ким билмай юрди. Бу илмий кошона жамоа аҳли кўз ўнгида «ғойиб» бўлган эди.

Айниқса, XVI-XIX асрларда, яъни хонликлар даврида фан ва маданият чуқур инқирозни бошидан кечирди. Чунончи, дунёвий фанлар эътибордан четда қолиб, олим-фозилларнинг қадр-қиммати ўрнига қўйилмади. Жаҳон тан олган олимлар хотирасини адабийлаштириш борасида ҳеч қандай тадбир кўрилмади. Шуниси ниҳоятда ачинарлики, хонликлар даврида бирорта махсус мактаб биноси қурилмади. Илму толиб бўлган болалар асосан масжидлар ва бошқа дуч келган жойларда ўқитилди. Ҳеч кимга сир эмаски, Амир Темур ва унинг ворислари томонидан оламшумул аҳамиятга молик ҳашаматли ва осмонўпар бинолар, ажойиб боғлар ва бозорлар, обод ва кенг кўчалар бунёд этилган эди. Уларнинг барчаси хонликлар даврида харобага айланиб борди. Академик Яҳё Ғуломов билан бу масала бўйича суҳбатлашганимда обидаларнинг ғиштлари ҳукумат вакиллари ва оддий кишилар томонидан талангани ҳақида ачиниб айтган эди. Қизил империя даврида тарихий обидаларга ваҳшийларча муносабатда бўлиниб, уларни бузиш ва талаш авжига минди. Диний ва илмий асарлар ёндирилди. Улар орасида Қуръони Карим ҳам бор эди. Масжидлар бузилди ва келгиндилар учун турар-жойларга, омбор ва отхоналарга айлантирилди. Юқорида шарҳланган фожиаларнинг барчаси жамоа аҳлининг кўз ўнгида содир бўлган. Аммо, оч қорним тинч қулоғим деганидек, аҳли жамоа бош кўтариб, адолатсизликка қарши курашмади. Жамоа аҳлининг умуммиллат манфаатларига зарба берувчи омилларга бепарволик билан қараганлиги «миллий нуқсон»ларнинг бири сифатида гавдаланди.

Хулоса: БИРИНЧИДАН, «миллий нуқсон»лар дейилганда икки хилдаги маънони назарда тутдим. Бири умуммиллат манфаатларига зарба берувчи ҳодисаларни ўз ичига олади. Қолаверса, жамоа аҳлининг уларга қарши курашмай «томошабин» бўлиб турганлигини англатади. Менинг масалага бу тарзда ёндашишимга қарши чиқувчи кишилар бўлиши мумкин. Чунки биз тарихимизни ўрганишда жамоа аҳлининг фаолиятини танқидий кўз билан таърифлашга одатланганмиз. Ваҳоланки, у ҳамма вақт ўзининг куч-қудратини намойиш этмай, сиёсатдан ва маданий ҳаётдан четда турган вақтлари кўзга ташланган. Чунки халқ оммасининг куч-қудрати ва қурашини моҳирлик билан бошқарадиган раҳбар кўп бўлмаган. Натижада халқ оммаси том маънодаги сардорга эга бўлмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай ҳолат, айниқса, хонликлар даврида яққол кўринди. Бу вақтларда ҳокимият билан халқ ўртасидаги боғланиш ва алоқанинг масофаси жуда узоқлашиб кетди. Ҳар жиҳатдан толиққан, эзилган ва кўнгли совиган халқ хонларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, рўй бераётган ачинарли ҳолатларга бепарволик билан қаради. Ўз навбатида хонларнинг кўпчилиги ўзларининг шахсий манфаати ва ҳузур-ҳаловати билан ўралашиб ва халқдан узоқлашиб давлатнинг негизини емириб борди. Бундан фойдаланган чор ҳукумати ўлкани босиб олди. Чоризм ва совет даврида миллий давлатнинг тугатилиши орқасида халқ билан мустамлака ҳокимиятининг ўртасида боғланиш бамисоли ер билан осмончалик узоқлашди. Босқинчилар халқнинг сиёсий онги ва фаолиятига зарба бериб, қул каби ишлатди. Қаттиқ назорат ва таъқиб ўрнатилиб, қирғин-баротлар, қамашлар ва сургун қилишлар авжига минди. Мана шундай фожиаларнинг юз бериши жараёнида ўлкани босиб олинишидан бошлаб, то империя ағдарилгунга қадар вақт ичида ватанга хоинлик қилиб, душманларга қўшилган кимсалар оз эмас эди. Минг афсуслар бўлсинким, жамоа аҳли кўп асрлар мобайнида Ватан хоинларига нисбатан муроса йўлидан бориб, қасос олмади. Бу ерда буюк шоир Алишер Навоийнинг «кечирилган душман дўст бўлмас», деган доно сўзини келтириш жоиздир. Шу боис хоинларга «худонинг ўзи жазосини беради», деб муроса қилиш нодонликдир. Шуни бир дақиқа ҳам унутмаслик керакки, «қасоскор халқ — енгилмас халқ» деган нақл тарих синовидан ўтган ҳақиқатдир. Шундай савол туғилиши мумкин: Бир гуруҳ хоинларнинг кучи қаёққа борарди? Шу боис, уларга урғу бериш керакми?

Сиртдан қараганда шундай туюлиши мумкин. Аслида эса бир гуруҳ хоинларнинг қилмишлари даҳшатли фожиаларни юзага келтирган. Маълумки, чаён, қоракурт ва илон ўзидан бир неча маротаба катта ва қудратли одамни чақса ўлдиради. Бир оддий ва ожиз ари кишининг нозик томирига ниш урса ҳалок қилади. Хоинлар ҳам шуларга ўхшаб жамият учун ўта заҳарлидир. Бунга тарихда мисоллар оз эмас.

Шундай қилиб «миллий нуқсон»лар жамоа аҳлининг айрим даврларда лоқайд бўлишида ўз ифодасини топди.

ИККИНЧИДАН, «миллий нуқсон»лар асрлар мобайнида ўтказилиб келинаётган тўй ва бошқа хилма-хил маросимларни ўтказишда ҳам яққол намоён бўлди. Улар ёшларнинг соғлиғи, билими ва фаолиятига салбий таъсир қилиб, жамият тараққиётига путур етказди. Афсуски, «миллий нуқсон»лар бизнинг замонамизда ҳам кенг кўламда давом этмоқда. Ҳозирда улар юқори босқичга кўтарилиб, исрофгарчилик ва манманлик авжига минди. Ҳатто, ўтмиш замонларда бўлмаган ва катта харажатларни талаб қиладиган янгича урф-одатлар юзага келди. Бир мисол келтираман:

Никоҳ куни келин киядиган император «Екатерининг қўйлаги» учун 100-150 доллар ижара пули тўланмоқда. Кишининг терисигача шилиб оладиган бунга ўхшаш харажатлар оз эмас. Ахир булар даҳшат-ку. Миллий никоҳ қўйлаги ҳақида кўп гапирилмоқда, лекин амалга оширилмаётир. Тўй ва маросимларга ҳеч ким қарши эмас. Уларсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Гап шундаки, уларни «кўрпангга қараб оёқ узат» ҳолида ўтказиб, исрофгарчилик, дабдаба ва манманликка йўл қўймасликдан иборатдир. Қарз ҳисобига тўй ва маросимларни ўтказишга йўл бермай, уларни имкон борича ихчамлаштириш лозим. Етарли маблағ йўқлиги туфайли минглаб ёшлар хотинсиз ёки эрсиз юрганликлари ачинарли ҳолатдир. Уларнинг орасида 25-30 ёшдагилар оз эмас. Бу масалани тез ҳал қилишни ўйлаш даркор.

Айтиш лозимки, маросимларда вақтни мутлақо ўринсиз сарфлаш оммавий тус олди. Шу кунларда наҳорги ош ниҳоятда эрта — тонг отаётмас, соат 4,5-5 ларда сузилмоқда. Унда қатнашиш учун кечаси соат 3-4 ларда уйқудан туришга тўғри келмоқда. Ҳатто, аҳиқа тўйларини эрта тонгда соат 6.00 да ўтказиш одат тусига айланди.

Шубҳасиз, уйқудан қолиш инсон саломатлиги учун зарарлидир. Менимча, наҳорги ошни ерталаб соат 7-8 ларда сузиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, наҳорги ош ва жаноза кундуз кунлари ҳам ўтказиляпти ва бу ҳеч кимга малол келмаётир. Бу одатни ўз кучида қолдирса бўлади. Агар республика бўйича тўй ва маросимларга сарфланаётган маблағлар умумлаштирилса, бир неча юз миллион сўмларни ташкил этар. Бор-ди-ю тўй ва маросимларни ихчамлаштириб, ота-оналар маблағни фарзандларнинг соғлиғи, тарбияси, билими ва тафаккурини ўстириш учун сарфласалар, нур устига аъло нур бўлиб, жамият тараққиёти янада тезлашарди.

УЧИНЧИДАН, мустақилликка эришилгандан кейин сиёсий ва маданий ҳаётдаги «миллий нуқсон»лар улоқтирилди. Кейинги 500 йил мобайнида биринчи маротаба Юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида давлат ва халқ бир-бирлари билан бирлашиб, чинакам халқ ҳокимияти шакллантирилди. Жамоа аҳли ўз она тилида таълим олиб, фан ва маданият ютуқларидан баҳраманд бўлиб, озодлик гаштини сурмоқда.

Маълумки, Юртбошимиз тўй ва маросимларни тартибга солиш ҳақида қарор чиқарди. Бу уларнинг катта аҳамиятга эгалигини кўрсатиш билан бир қаторда маҳаллаларнинг зиммасига муҳим вазифаларни юклайди. Эндиликда бутун республика бўйича ягона дастурни тузиш ва уни амалга ошириш айни муддаодир.

Менимча, дастурда тўй ва маросимларнинг барча вилоятларда камхарж ва ихчам ўтказилиш тартиблари аниқ кўрсатилиши лозим.

Сўз охирида шуни айтишим лозимки, ушбу мақолани ёзишимдан мақсад ўтмиш замонларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиб, сабоқ олиб, ҳар қандай шароитда оғишмай ватан дарди ва ишқида, огоҳлик ва теранликда яшашга даъват этишдан иборатдир. Мустақиллик ва озодликка, тинчлик ва тараққиётга зарар етказувчи ҳар хил шаклдаги иллатларга, ички ва ташқи душманларга аёвсиз курашишга ундашдир. Шундагина ватанимиз куч-қудрати ва тараққиёти янада метиндек мустаҳкамланиб бораверади.

■ **Ҳамид ЗИЁЕВ,**
профессор

ЁЗ ГАШТИ



■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАҚИДА ТАРИХИЙ ЛАВҲАЛАР

ЯХШИЛИК АЛОМАТИ

Ибн Сино шогирдлари бир куни унга шундай савол беришди:

— Яхши одамни қайси аломатлари билан таниш мумкин?

Ибн Сино ўйлаб туриб , шундай жавоб қилди:

— Учта аломат билан: толиби илмлиги, сахийлиги ва очиқ юзлиги билан.

Шогирдлар яна сўрашди:

— Саховатнинг чегараси қандай?

Ибн Сино жавоб берди:

— Бор нарсани беришдир.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси «Ўзбекистон овози» газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири Маҳмуджон Парпиевга укаси

Баҳодир ПАРПИЕВнинг

фожиали вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ТАРИХ

МИЛЛАТНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Таниқли қадимшунос ва тарихчи олим, профессор Анатолий Сагдуллаевнинг илмий фаолиятига 30 йил тўлди



Анатолийнинг беғубор болалиги Китоб туманининг сўлим тоғ қишлоғи — Қайнарда кечди.

Ўрта мактаб таҳсилини Китоб шаҳрида олаётганда, унинг ҳаётида шундай бурилиш юз бердики, буни ўзи ҳам сира кутмаганди. Жазирама ёз кунларининг бирида пойтахт дорилфунунидан келган қадимшунос талабалар билан танишиб қолди. Улар қидирув ишлари олиб бораётган манзилга қатнаб, унча-бунча сирдан воқиф бўлди ва ҳар куни уй юмушларидан кейин бу ғаройиб машғулотнинг иштирокчисига айланиб қолди. Айниқса, талабаларга бошчилик қилаётган ёш тадқиқотчининг ёнидан жилгиси келмасди.

«Укагинам, — деди у Анатолийга, — агар билсанг, дунёга кимдир омоч кўтариб, кимдир қалам йўниб, кимдир қилич сермаб келади. Кимдир қуради, кимдир бузади. Ҳаммасига шу замин ости шоҳид...». Бошқа бир куни у яна шундай дейди: «Шуни билки, укагинам, ҳақиқий археолог қазий-қазий бир кун тилло топиб олса, хафа бўлади. Чунки у бутун бир мозийнинг даврига асос бўлгулик сопол синиғини кутган эди-да. Ўша археолог бир парча сопол синиғини олтиндан афзал билган бўлса, демак, бу миллатнинг миллат бўлганидан, ўзлигини танигани-дан далолат-да, укагинам». Бошига супрадай шляпа кийиб олган ўша қадимшунос йигит тағин бир гал деди: «Укагинам, билсанг ғанимлар битикларимизни неча бор йўқ қилишган бўлмасин, барибир ер ости ўз розини айтаверади. Фақат сен игна билан қудуқ қазигандек, бу машаққатдан чекинмасанг, бас. Билсанг, заминнинг зери (ости) забари (усти)дан кўпроқ сир айтади». Анатолийдек зийрак ва ўйчан ўспиринни бундай ҳикматомуз фикрлар аллақачон сеҳрлаб бўлганди. У толе юлдузи балқигандай, ўз келажагини қадимшуносликда кўриб турарди.

Энди унга Бобур Мирзо мақтаб тилга олган Китоб қўрғони ҳам, Шаҳрисабз томондан нилий ғубор ичра кўкка бўй чўзганча кўзга ташланиб турган Оқсарой ҳам ўзгача тароват касб этганди. Унинг дунёсига янги бир сурурли олам нурга йўғрилиб кириб келганди.

У кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, Тошкент давлат дорилфунуни тарих куллиётининг қадимшунослик бўлимига қабул қилинди.

Энди унинг учун чинакамига мутолаа бошланди. Айниқса, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихига доир китоблар унинг жону дили эди. Фарғоний, Беруний, Наршахий, Абдураззоқ Самарқандий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофиз Таниш Бухорий асарларини бамисоли роман ўқигандек завқ билан мутолаа қиларди. Профессор С. Толстов, академиклар — Г.Пугаченкова, В. Массон, Я.Ғуломовнинг тарихий асарлари ҳам унинг талабалик кутубхонасидан муносиб жой олганди. Анатолий учун дала сафарларига чиқиб, кўҳна шаҳар харобаларида амалиёт машғулотларини ўтказиш янада мароқли эди.

Ана шу 1968-1973 ўқув йилларида Анатолий Сагдуллаевнинг илмга лаёқати борлигини домлалар пайқашган эди. Уни ўзи таҳсил кўрган даргоҳга «Археология асослари» фанидан ўзбек тилида маърузалар ўқиш шарти билан олиб қолишди. Бундан у эсанкираб қолди. Ахир, бу соҳада бирорта ҳам ўзбек тилидаги ўқув-услубий қўлланма ёки адабиёт йўқ эди-да! Аммо у дарҳол ўзини ўнглаб олди, умидсизликка тушмади, ирода кучига суянган ҳолда ишни атама (истилоҳ)лар тузишдан бошлади. Ўзига хос услубни яратиш устида машқ қилди.

Анатолий тағин теран ўйларга чўмади. Илм толиблари орасида тарих ёки қадимшуносликни қуруқ, зерикарли далиллар баёнидан иборат фан, деб қарайдиганлар топилади. Рости, тарихий асарлар азалий услубидан узоқлашиб кетган-да.

Ана шундай ўй-хаёллар силсиласида у илк бор «Ўрта Осиё археологияси» дарслигини яратишга аҳд қилди. Тинимсиз ва астойдил изланишлари ўз самарасини берди. Бирмунча муддатдан кейин Анатолий Сагдуллаев баён қилишнинг ўзи кўзлаган адибона услубида битилган мазкур дарслик ва яна бир неча ўқув-услубий қўлланмаларнинг муаллифи бўлиб қолди.

У Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Педагогика университети ва Тошкент давлат Шарқшунослик олийгоҳи талабаларига Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон қадимги ва Ўрта асрлар тарихи ҳамда маданиятига доир маърузалар ўқиркан, ана шу мавзуларни «Марказий Осиё қадимшунослиги», «Ўзбекистон тарихи», «Илк шаҳар ва давлатлар тарихи» деган номлар билан атаганди. Кейинчалик ҳам ана шу мавзуларга содиқ қолиб, Анатолий Сагдуллаев 1979 йили Ленинград шаҳрида «Тунж ва илк темир даврида Шимолий Бақтрия маданияти» мавзуида номзодлик, 1989 йили Москва шаҳрида «Марказий Осиёнинг деҳқончилик вилоятлари илк темир даврида (мил.авв.IX-IV асрларда маданият ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт)» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди.

Шўро мафкураси даврида долзарб ҳисобланмаётган ана шундай муаммолар учун дакки еб қолиш ҳеч гап эмас эди. Олим шуни яхши билардики, Сурхон воҳасидаги қадимги Сополлитепа шаҳри харобасининг ёши 3700 йил, деб аниқланганини, шу ҳудуддаги Жарқўрғон шаҳри қолдиқларининг ёши 3500 йил деб, исботланганини бутун дунёга баралла жар солиб бўлмасди. Мустамлака даврида Самарқанднинг 2500 йиллик ёши қанчадан-қанча баҳсу мунозаралларга сабаб бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, профессор С.Толстов Қадимги Хоразмнинг кўп минг йиллик тамаддунини ўрганиб, айни маҳалда худди шу маъво Зардушт пайғамбарга она юрт эканини ошкор қилгани учун қанчадан-қанча зуғумларни бошидан кечиргани илмий жамоатчиликка яхши маълум. Ана шундай қалтис замонларда ҳам Анатолий Сагдуллаев ўзи танлаган йўлдан қайтмади.

У мозийни ўрганиш йўналишидаги илмий тадқиқотларини ҳозир ҳам сусайтиргани йўқ. Олим 1987 йилдан дорилфунуннинг тарих куллиётига деканлик лавозимини бошқарадими, 1992 йилдан эса Марказий Осиё кафедрасига раҳбарлик қиладими, ўнлаб илмий тадқиқот ва дала сафарлари билан банд бўладими, юртимизнинг энг қадимги шаҳар харобалари саналмиш Қизилтепа ва Узунқирни илк марта кашф этадими, ҳарқалай, салмоқли илмий рисолалар битишга вақт топади. Унинг «Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда», «Қадимги Бақтрия ўйқўрғонлари» (рус тилида), «Оловли ўқлар» (рус тилида), «Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти» (муаллифдош), «Ўзбекистон тарихи, I қисм», «Ўтган аср ёдгорликлари» асарлари аллақачон ўқувчиларнинг севимли китобларига айланган. Шу ўринда А.Сагдуллаевнинг В.Костецкий ва Н.Норқулов билан ҳамкорликда яратилган умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун мўлжалланган «Ўзбекистон тарихи» янги дарслиги 1999 йилги Республика танловида йилнинг «Энг яхши дарслиги» дипломига сазовор бўлганини мамнуният билан қайд этиш жоиз.

1998 йилдан эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини бошқараётган А.Сагдуллаев ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқда. 2000 йили кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланган 3 жилдлик «Ўзбекистоннинг янги тарихи»нинг вужудга келишида унинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

— Миллий истиқлол, — дейди А. Сагдуллаев, — тарихимизни миллий мафкурамизнинг етакчи тамойилларидан бирига айлантирди. Президентимизнинг тарихни ҳаққоний ёритиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтаргани эса бу тарихий жараённи мисли кўрилмаган суръатда тезлаштириб юборди.

Бугун аждоду авлодларимизнинг кўзгуси саналмиш тарихимиз янгидан яратилаяпти. Зотан, тарих муайян бир миллатнинг эмас, балки бутун башариятнинг ҳам таржимаи ҳолидир. Туғилаётган тарихга эса муаррихлар доялик қиладилар.

■ **Мурод ХИДИР,**
Аброр ХИДИР

ТАШКЕНТСКИЙ ГОРОДСКОЙ МУНИЦИПАЛЬНЫЙ БИРЖЕВОЙ ЦЕНТР

ПРОВОДИТ 13, 27 ИЮЛЯ И 10, 24 АВГУСТА 2001 ГОДА В 10-00 ЧАСОВ АУКЦИОННЫЕ ТОРГИ

НА ТОРГИ ВЫСТАВЛЯЮТСЯ:

1. Незавершенная строительством база монолитного домостроения, *принадлежащая АО «Промстройиндустрия», расположенная в г. Ташкенте, Сергелийский район, Промзона (рядом с КПД-5), стартовая цена 59 921 772 сума.*

2. Здание котельной *пл. 228,2 кв. м, принадлежащее ТашПЭТ, расположенное в г. Ташкенте, А.Икрамовский район, Промзона-2, стартовая цена 12 578 622 сума.*

3. Станок по производству полиэтиленовой пленки, *стартовая цена 3 000 000 сумов.*

Наш адрес: г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Мовароуннахр, дом 16 а.
Телефон для справок: 133-20-74

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Farg'onada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA